БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 298 (17.878). • 31 декабрь 1980 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

Дала меҳнатчилари янги йилни улкан зафарлар билан қарши олмоқдалар. Якунловчи йилда қўлга киритилган ғалабалар уларни янги чўққилар сари чорламоқда. Суратда: «Госкомсельхозтехника»нинг Ўрта Чирчиқ район устахонаси илғор слесари Ҳабибулла Нуриллаев.

В. Сироткин фотоси.

Л. И. БРЕЖНЕВ ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИНИ ТОПШИРДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 30 декабрь куни Кремлда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Э. Димшицга, СССР ички ишлар министри Н. А. Шчелоковга ва КПСС Марказий Комитетининг ишлар мудири Г. С. Павловга Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларининг Ленин орденлари ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медалларини топширди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев мукофотларни топшириш вақтида сўзлаган нутқида бундай деди:

Азиз ўртоқлар!

Бугун мен партиямиз ва давлатимизнинг таниқли арбоблари, кўпдан буён мен билан биргаликда ишлаб келаётган қадрли ўртоқларимга Ватанимизнинг олий мукофотларини топширишдек шодиёна бурчни бажаришга мушарраф бўлдим.

СССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан:

— СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Вениамин Эммануилович Димшицга — Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан;

— СССР ички ишлар министри Николай Анисимович Шчелоковга — Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан ва

— КПСС Марказий Комитетининг ишлар мудири Георгий Сергеевич Павловга — Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди ва Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медали топшириладиган бўлди.

Шу мукофотлар муносабати билан нималарни айтиб ўтишни истар эдим?

Вениамин Эммануилович Димшиц хўжалик қурилишимизга катта ҳисса қўшди. У бир қанча йирик металлургия заводларини барпо этишда актив қатнашди. Урушдан кейинги оғир, лекин шонли тикланиш йилларида менга «Запорожстаз»ни тиклаш вақтида у билан қўлни қўл га бериб ишлашга тўғри келди. Шундан кейин ўртоқ Димшиц Ватаннинг топширигини бажариб, машҳур Бхилан заводини қуришда ҳинд дўстларимизга кўмаклашди.

Ана шу йилларнинг ҳамма сида ва шундан кейинги даврда ҳукуматнинг марказий органларида ишлаб турган пайтида ишга сидқидилдан берилиш, ташкилотчилик таланти, қўйилган вазифаларни ҳал этишда саботматонат унга хос хусусият бўлиб келди. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажагига аминман.

Николай Анисимович Шчелоковни ҳам кўпдан буён биламан. У партия ўзига топширган кўп соҳаларда меҳнат қилди ва ҳамма жойда ишга ижодий ёндашиш, зўр ташаббус, ишга кенг кўламда, айтишим мумкинки, давлат нуқтаи назаридан ёндашиш намуналарини кўрсатди.

Ўртоқ Шчелоков ҳозирги вақтда ғоят масъулиятли лавозимда ишлаб турибди. Унинг фаолияти совет кишиларининг осойишта ва бехатар яшашини таъминлаш билан, коммунистик қурилиш йўлидан олға ҳаракат қилиб боришимизга ҳалақит берётган ҳодисаларни бартараф қилиш йўлидаги кураш билан боғланган. Ўртоқ Шчелоков ана шу муҳим соҳада кўп иш қилди. Унга топширилаётган мукофот ҳам буни кўрсатиб турибди. Аммо ҳали кўп иш қилишга тўғри келади. Мен унинг ана шу масъулиятли ишида янгиданянги катта муваффақиятларга эришувини тилайман.

Георгий Сергеевич Павлов — партиямизда таниқли ходим. У улкан меҳнат ва ғоявий чиниқиш йўлини босиб ўтди. Ҳозирги вақтда унинг зиммасига партиямизнинг моддий ресурсларидан тўғри фойдаланиш учун жиддий масъулият юкланган. У ўз бурчларини шараф билан бажармоқда, ишга шунчаки моҳир маъмур сифатидагина эмас, ўз фаолиятининг сиёсий аҳамиятини тўлиқ англаган партия ходими сифатида ёндашмоқда. У марказдаги ва жойлардаги партия органларимиз фаолиятининг қулай моддий шароитларини вужудга келтириш учун, партия кадрларининг ишлаш, ҳаёти ва дам олиши борасида зарур шароитлар бўлишини таъминлаш учун кўп иш қилди. Унинг бу соҳада янгиданянги муваффақиятларга эришувини тилаймиз.

Азиз ўртоқлар, мукофотларни топширар эканман, менинг самимий қутловларимни ҳам қабул қилишингизни сизлардан сўрайман.

В. Э. Димшиц, Н. А. Шчелоков ва Г. С. Павлов ўртоқлар сўзга чиқиб, ўз меҳнатларига юксак баҳо берганликлари учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига ва шахсан Леонид Ильич Брежневга чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор қилдилар. Улар бутун куч, билим ва тажрибамизни бундан буён ҳам муштарак ишимизга — мамлакатимизда коммунистик жамият қуришга бағишлаймиз, деб ваъда бердилар.

Мукофотларни топшириш вақтида ҳозир бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров ва бошқа ўртоқлар мукофот эгаларини самимий табрикладилар, уларнинг Советлар мамлакати бахт-саодати йўлида янги муваффақиятларга эришувларини тиладилар.

(ТАСС).

ПАРТИЯ СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ КОСОНСОЙ РАЙОНИДАГИ «ДЎСТЛИК» СОВХОЗИ, ЧУСТ РАЙОНИДАГИ ЭНГЕЛЬС НОМЛИ, ЗАДАРЁ РАЙОНИДАГИ «ГИГАНТ», ТУРАҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ КАЛИНИН НОМЛИ ВА ЯНГИҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ К. МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗЛАР ПАХТАЧИЛИК БРИГАДАЛАРИНИНГ ОЧИҚ ХАТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мазкур хўжаликлар пахтачилик бригадаларининг очиқ хати аҳолининг шахсий томорқа хўжаликларида чорвачиликни кенг ривожлантириш учун ғоят катта аҳамиятга молик деб ҳисоблайди. Ушбу хат чуқур ватанпарварлик туйғуси билан ҳамда гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қўшадиган ҳиссани оширишга тўғрисида, халқ фаровонлигини янада юксалтириш ҳақида зўр ғамхўрлик билан суғорилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Наманган область Косонсой районидаги «Дўстлик» совхози, Чуст районидаги Энгельс номли, Задарё районидаги «Гигант», Турақўрғон районидаги Калинин номли ва Янгиқўрғон районидаги К. Маркс номли колхозлар пахтачилик бригадаларининг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига пахтачилик бригадаларининг очиқ хатини колхоз ва совхозларнинг коллективларида муҳокама этиш, аҳолининг шахсий томорқа хўжаликларида чорвачиликни тобора жадал ривожлантириш юзасидан конкрет ташкилотчилик, оммавий-сиёсий ва тушунтириш ишларини олиб бориш топширилди.

Наманган области пахтачилик бригадаларининг Ўзбекистон ССР колхозчилари ва совхозларининг ишчиларига, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашларига

ОЧИҚ ХАТИ

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили ғоят катта меҳнат зафарлари билан тўлиб-тошган. Бригадаларимиз партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг қарорларини рўёбга чиқара бориб, Леонид Ильич Брежневнинг нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, бу йил мўл ҳосил олдилар ҳамда пахта етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан ўнинчи беш йилликни муваффақиятли тугалладилар.

Бригадаларимиз аъзолари «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини чуқур ва атрофлича ўрганмоқдалар. Партия мазкур ҳужжатда ўртага қўйган бош вазифаларнинг бири аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан гўшт ва сут билан таъминлашни яхшилашдан иборатдир. Бунинг учун жамоат чорвачилигини жадал ривожлантириш билан бир қаторда аҳолининг шахсий томорқа хўжаликлари имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур.

Бригадаларимиз аъзолари шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантиришнинг муҳимлигини тушуниб, чорвачиликни жадал ривожлантириш ишига ўз ҳиссаларини қўшишга қарор бердилар. Биз партия гамхўрлигига жавобан, ўн биринчи беш йилликда ўзимизнинг шахсий хўжалигимизда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга доир конкрет тадбирларни ишлаб чиқдик.

Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозининг 5-пахтачилик бригадасидаги 40 хонадонда ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб сигирлар кўпайиб 60 бошга етади, яъни 1980 йилдагига нисбатан уч баравар ортади, қўй ва эчкилар 400 бошга етади ва 6 баравар кўпаяди, гўшт етиштириш эса 11 тоннага, сут етиштириш 180 тоннага етади ёки 5,5 баравар ортади, тухум етиштириш 150 минг донага етади, ёки 18 баравар кўпаяди.

Задарё районидаги «Гигант» колхозининг 1-пахтачилик бригадасидаги 60 хўжаликнинг ҳаммасида чорва ва парранда боқилади, сигирлар кўпайиб, 30 бошдан 90 бошга етади, қўйлар 30 бошдан 180 бошга, паррандалар 300 тадан 3000 тага етказилади, уларнинг маҳсулдорлиги ошади ва сут етиштириш 45 тоннадан 225 тоннага, гўшт етиштириш 2,6 тоннадан 13,7 тоннага, тухум етиштириш 16 минг донадан 160 минг донага етказилади.

Чуст районидаги Энгельс номли колхознинг 7-бригадасидаги 38 хўжаликнинг ҳаммасида сигирлар 25 тадан 60 тагача, қўй ва эчкилар туёғи 20 тадан 60 тагача, паррандалар 150 тадан 2 мингтагача кўпаяди. Ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб, 1980 йилга нисбатан сут етиштириш 4,5 баравар, гўшт 3,4 баравар, тухум 30 баравар кўпаяди.

Турақўрғон районидаги Калинин номли колхоз 4-бригадасининг 26 хонадонида 78 бош қорамол, шу жумладан 26 та сигир, 235 та қўй ва эчки, 200 та товуқ боқилади. Булар ҳозиргисидан анча кўпдир. Сут етиштириш 1980 йилга нисбатан 73 тоннагача — тўрт баравар кўпаяди, гўшт 9 тоннагача — 5,6 баравар, тухум 40 минг дона — 8 баравар кўпаяди.

Янгиқўрғон районидаги К. Маркс номли колхознинг 3-бригадасида бўлган 26 хонадоннинг ҳаммасида биттадан сигир, 150 та қўй ва эчки, 1000 та товуқ боқилади. Етиштириладиган сут 57 тоннага, гўшт 10,2 тоннага, тухум 6,4 минг донага етади.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга сарфланадиган вақт бригада аъзоларининг иқтисодий меҳнатига таъсир кўрсатмайди. Шу билан бирга шахсий қарамоқдаги мол ва парранда колхозчилар ва совхоз ишчилари оилаларида гўшт ва сут истеъмолини яхшилабгина қолмай, маҳсулотнинг ортиқчасини давлатга сотишга ва бунинг орқасида анчагина даромад кўришга ҳам имкон беради. Ҳозир битта оила томорқа хўжаликдан ойига ўрта ҳисобда 50 сўм даромад олаётган бўлса, ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб, бу даромад икки баравар кўпаяди.

Ўз бригадаларимизда озуқа етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланамиз, томорқаларда озуқа экинлари етиштиришда бригада аъзоларига ёрдам берамиз, чорвани ем-хашак билан тўла-тўкис таъминлаймиз.

Шахсий томорқа хўжаликларида мол боқишнинг ёшлар ва болалар учун тарбиявий аҳамияти бор, деб биламиз. Улар меҳнатсевар, миришкор бўлиб етишадилар, уларда жамиятнинг моддий бойлигини кўпайтириш бурчи шакллана ди.

Бригадаларимизнинг ҳамма аъзолари — колхозчилар ва ишчилар номидан сизларга, ўртоқлар, сиз, азиз колхозчилар ва совхоз ишчиларига, барча қишлоқ меҳнаткашларига мурожаат этиб, ўз шахсий хўжаликларингизда чорвачиликни ривожлантиришда ғоят катта қатнашишга, ҳар бир хонадонда чорва ва парранда боқиб семиритириб, ўз оилаларингизни, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини гўшт, сут маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда актив қатнашишга даъват қиламиз.

Бригада аъзолари номидан: Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозининг бригадири, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. ШАРИПОВ, Задарё районидаги «Гигант» колхозининг бригадири, СССР Давлат мукофотининг лауреати А. ТУРҒУНОВ, Чуст районидаги Энгельс номли колхоз бригадири Т. САМАТОВА, Турақўрғон районидаги Калинин номли колхоз бригадири, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси С. НАЗАРОВА, Янгиқўрғон районидаги К. Маркс номли колхоз бригадири Т. АБДУРАҲМОНОВ.

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Тошкент райони меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун мусобақалашиб, чорвачилик маҳсулоти етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари, 27 декабрда бажардилар. Ана шу кўрсаткичлар бўйича 1980 йилги план ва мажбурият ҳам муддатидан илгари — 21 октябрда бажарилди.

Беш йиллик планга қўшимча равишда давлатга 503 тонна гўшт, 6 минг тонна сут, 4,23 миллион дона тухум, 175 тонна жун топширилди.

Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сутнинг ўртача миқдори 3950 килограммга, гўштга топириладиган қорамолнинг ўртача вазни 460 килограммга етди. Ўнинчи беш йиллик социалистик мажбуриятларидан ташқари 566 тонна гўшт, 4880 тонна сут, 418 минг дона тухум, 28 центнер жун топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети район меҳнаткашларининг мажбуриятини маъқуллади. Район меҳнаткашлари жамоат чорвачилиги маҳсулдорлигини жадал кўпайтиришга эришмоқдалар. 1979 йилдагига нисбатан гўшт етиштириш районда 30,8 процент, сут 20,3 процент, тухум 38,5 процент ўсди. Шу даврнинг ичида гўшт сотиш 20 процент, сут — 16,9, тухум — 20,7, жун — 8,4 процент кўпайди. «ЎзССР 50 йиллиги», Карл Маркс номли, Навоий номли, Охунбобоев номли, Ильич номли колхозлар, «Тошкент» совхози чорвачиликни жадал ривожлантириш соҳасида энг катта муваффақиятларга эришдилар.

Шу кунларда Тошкент районининг чорвадорлари моллар қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан ўзлари ишлаб чиққан тадбирлар комплексини, шунингдек 1981—1985 йилларда чорвачиликни ривожлантиришнинг истиқболли планларини адо этмоқдалар. Район меҳнаткашлари белгиланган режаларни бажариб, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олишга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

(ЎзТАГ).

мусобақа Эҳтиёжлари

АЪЛО СИФАТ БИЛАН

Андижондаги мебель фабрикасининг ишчилари фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун мусобақани қизитмоқдалар. Мебелсозлар съездолди меҳнат вахтасида туриб, КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача икки ойлик программани бажариш мажбуриятини олдилар. Фабрикада бу маррани тезроқ эгаллаш учун мусобақа кучайиб кетди. Унда Муҳиддин Узоқов бошлиқ йиғувчилар бригадаси олдинда бормоқда. Мебелсозлардан Абдумутал Мирзаев, Саидакбар Ваҳиев, Ғулом Турсунов, Козим Раҳимовлар мусобақада пешқадамлик қилиб, кўп ва сифатли мебель тайёрлашга эришмоқдалар.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Қўқон пойабзал фабрикасининг коллективи XXVI съезди шарафига ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари ада этди. Пойабзалчилар уч миллион квадрат дециметр чарм ва тўқимачилик молларини иқтисод қилиб қолдилар. Тежалган ана шу хом ашёдан пландан ташқари 30 минг жуфт турли хил пойабзаллар тайёрланди.

Съездолди мусобақасини тобора авж олдираётган ишчилар бичишнинг оқилона методларидан фойдаланмоқдалар, меҳнатни илмий ташкил этиш тадбирларини жорий этмоқдалар.

Корхонанинг барча ишлаб чиқариш участкаларида тежамкорларининг шахсий ҳисоблари жорий этилган.

Пойабзалчилар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига пойиҳасини муҳокама қилиб, йил охиригача яна камида 4 минг квадрат дециметр хом ашё тежаб қолиш мажбуриятини олган эдилар. Бу марра ҳам муваффақиятли эгалланди.

ЯНГИ УЙЛАР

Бухоро шаҳрининг ўнлаб хонадонлари янги йил арафасида янги квартираларга кўчиб чиқдилар. «Бухараградстрой» трестининг меҳнатсевар бинокорлари съездолди мусобақасини қизитиб, қурилиш муддатларини қисқартирмоқдалар. Трестнинг Петр Фролов бошлиқ пардозчилар бригадаси мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Бригада социалистик мусобақада бир неча бор ғолиблиги қўлга киритди. Меҳнатнинг яхши ташкил этилганлиги, иш вақтидан унумли фойдаланилганлиги, қурилишдаги барча ишлар механизациялашганлиги туфайли юксак унумдорликка эришилмоқда. Бригада КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача биринчи квартал планини бажаришга аҳд қилди.

5 миллион тонна тайёр!

АНГРЕН (Тошкент области), 30 декабрь. [ЎзТАГ мухбири]. Бугун ўрта Осиёда энг катта «Ангренский» кўмир разрезининг кончилари корхона тарихида илк бор йил бошидан бери беш миллион тонна кўмир қазиб олдилар.

Бу йил разрезнинг лойиҳадаги қувватидан илк бор ярим миллион тонна ошиб кетилди. КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш, серқувват кўмир қазийдиган машиналарни жорий этиш туфайли муваффақиятга эришилди. Ҳозир кўмир қатламларини қазиб олишда саккиз кубометр чўмичли экскаваторлар, ярақсиз жинсларни қазиб олишда эса ўн кубометр чўмичли одимловчи драглайнлар ишлатилмоқда. Қазиб олинган жинсларни ташишда эса кўп юк ортилган думпкар составларни тортишга қодир янги кучли электровозлар ишлатилмоқда. Ангрен кончилари қалинлиги 30—50 сантиметрга борадиган юпқа кўмир қатламларини ДЕТ-250 маркали паҳлавон бульдозерлар ёрдамида қазиб олиш ҳисобидан яна 20 минг тоннадан кўпроқ ёқилғи олдиларки, илгари у ярақсиз жинслар билан бирга ташлаб юборилларди.

Техника билан қайта қуроллантириш — разрезда олиб борилаётган реконструкция ишларининг таркибий қисми бўлиб, разрезнинг қуввати 1987 йилга борганда 10,3 миллион тоннага қадар ортади. 2,4 миллион киловатт қувватли Ангрен 2-ГРЭСи қурилиши шуни тақозо этади. ГРЭСнинг дастлабки энергоблоклари КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига чиқарган лойиҳасига биноан, ўн биринчи беш йилликда ишга тушириллмоғи керак. Биринчи электр станция каби бу электр станция ҳам очиқ усул билан қазиб олинадиган маҳаллий арзон ёқилғи билан ишлайди.

РЕСПУБЛИКА ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

Республика чорвадорлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини илҳомбахш меҳнат билан кутиб олмоқдалар. Чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириб юборишга даъват қилган илғорлар ва новаторларнинг ташаббусини маъқулламоқдалар.

30 декабрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда шулар тўғрисида гапирилди. Кенгашда область партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ва область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар. Кенгашда республика чорвадорларининг 1980 йил ва ўнинчи беш йилликдаги иш якунлари ҳамда КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь ва октябрь Пленумларининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида ва Тошкент область партия комитети билан область ижроия комитети номига йўллаган мактубида баён этилган маслаҳатлари ва кўрсатмалари асосида навбатдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Кенгашда сўзга чиққан Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Кинбоев, Андижон область партия комитетининг секретари И. Курбонов, Бухоро область партия комитетининг секретари Н. Нарзуллаев, Жиззах область партия комитетининг секретари У. З. Алимов, Қашқадарё область партия комитетининг секретари Х. Тошев, Наманган область партия комитетининг секретари А. Ҳасанов, Самарқанд область партия комитетининг секретари А. Муҳаммадқулов, Сирдарё область партия комитетининг секретари И. С. Умаров, Фарғона область партия комитетининг секретари О. Алихонов, Хоразм область партия комитетининг секретари Ғ. Н. Машарипов, «Узбекбирлашув» раиси З. Ш. Сирожев, Ўзбекистон ССР савдо министри М. Х. Ҳасанов, республика қишлоқ хўжалик министрлиги «Птицепром» бошлиғи И. И. Худойқулов, республика қишлоқ хўжалик министрлиги «Узглавзаготживпром» бошлиғи Л. П. Бутиков шу кунларда Ўзбекистон чорвадорлари зўр ғайрат билан меҳнат қилаётганлиги тўғрисида гапирдилар. Республиканинг кўпгина фермаларида қиш мавсуми уюшқоқлик билан бошланди, чорва туёғи кўпайиб, зарур бинолар қишга тайёрлаб қўйилган.

Андижон областининг меҳнаткашлари қимматли ташаббус билан майдонга чиқдилар. Улар чорвачилик фермалари, комплекслари ва паррандачилик фабрикаларини жадал қуриш, реконструкциялаш ва уларнинг қувватларини ўзлаштириш йўли билан ғўшт етиштиришни анча кўпайтиришга қарор бердилар. КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг қарорларига мувофиқ, области 1981—1985 йилларда гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш тадбирлари ишлаб чиқилди. Янги беш йилликда областда гўшт етиштириш уч баравар, сут — бир ярим баравар, тухум — уч ярим баравар ортади. Республиканинг илғор фермаларида ҳам чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анчагина кўпайтиришга қарор қилдилар. Оҳангарон, Фориш, Конимех, Ленин, Самарқанд, Шаҳрисабз, Калинин, Чиноз, Бахмал ва Бўзатов районлари чорвадорларининг тажрибаси чинакам маҳорат мактаби бўлиб қолди.

Наманган области далачилик бригадаларининг ташаббусини ҳар қанча қўллаб-қувватласа арзийди. Улар чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга ўз ҳиссаларини қўшишга қарор бердилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган бу ташаббусни республиканинг деҳқончилик хўжаликларида кенг оммалаштириш лозим.

Кенгашда таъкидлаб ўтилганидек, янги беш йилликда республика чорвадорлари олдида муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига чиқарган лойиҳасига мувофиқ, ғўшт етиштириш ўртача йиллик миқдорини сўйилган вазнда 400—410 минг тоннага, сутни 2,5—2,7 миллион тоннага, жунни 20—21 минг тоннага, қоракўл терини 2,25 миллион донага етказиш керак бўлади. Ишнинг муваффақияти ҳар бир ферма, ҳар бир комплекснинг, ҳар бир чорвадорнинг ишига боғлиқдир. Зотан бу йилги қишлов дастлабки жиддий имтиҳон бўлади. Мазкур кампания тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш кераклигининг боиси ҳам мана шунда. Бригадалар, фермалар, комплекслар малакали ходимлар билан таъминланган бўлиши зарур. Топширилган иш учун ҳар бир киши масъулиятни юксак даражада ҳис этишига эришиш, чорвадорларнинг профессионал маҳорати муттасил ўсишини таъминлаш керак.

Ем-хашакдан оқилона фойдаланиш—чорва қишлови давридаги ғоят муҳим вазифа эканлиги кенгашда уқтириб ўтилди. Ем-хашакдан фақат қайта ишланган ҳолда фойдаланиш, илмий асосланган ва балансланган рационларни жорий этиш, озуқа цехлари ва кухнялари ишини пухта ташкил этиш керак. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг жуда муҳим резерви мана шундадир.

Республика чорвачилигида талайгина резервлар мавжуд. Кенгаш қатнашчилари ана шуни таъкидлаб, бу ғоят муҳим тармоқнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган камчиликларни тезроқ бартараф этиш зарурлигини уқтириб ўтдилар. Ҳали хўжаликларнинг ҳаммаси ҳам белгиланган план топшириқларини уддалаётганлари йўқ. Бир қанча фермаларда соғиб олинаётган сут миқдори ва молларнинг семириши паст даражада, молларни парвариш қилиш яхши ташкил этилмаган. Ем-хашакдан норационал фойдаланиш фактлари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси фермалар, участкалар, бўлимлар иши устидан етарлича контроллик қилинмаганлиги оқибати, меҳнат ва давлат интизомини бузиш натижасидир.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. С. Ашуралиев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

БУНЁДКОРЛИК МАРРАЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси—умумхалқ муҳокамасида

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ТАРБИЯГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

НАМАНГАН РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

«Ҳар бир кишини юксак ижтимоий мақсадларга интиладиган, ғоявий эътиқодли, меҳнатга чинакам ижодий муносабатда бўладиган қилиб тарбиялаш, — деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, — энг муҳим вазифаларнинг биридир. Коммунизм учун курашнинг жуда муҳим фронти мана шу йўлдан ўтади. Иқтисодий қурилишнинг бориши ҳам, мамлакатнинг социал-сиёсий ривожланиши ҳам шу фронтдаги ғалабаларимизга тобора кўпроқ боғлиқ бўлаверади». КПСС XXV съезди томонидан белгилаб берилган бу йўл-йўриқ ҳамда кўрсатмалар партия ташкилотлари учун дастуриламал бўлмоқда.

Наманган район партия комитети съезд кўрсатмалари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев доклади ва нутқларида қўйилган вазифаларни амалга ошира бориб, ҳисобот даврида муайян ютуқларга эришди. Райком ўз фаолиятида ленинча иш услуби ва партия ички демократияси нормаларига амал қилди. Асосий диққат-эътиборни экономикани ривожлантириш, аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш, совет турмуш тарзини ўстириш каби масалаларга қаратди.

— Ҳисобот даврида қўлга киритган ютуқларимизнинг асосий шарти шундан иборат бўлдики, — деди докладчи, район партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Охунов, — коммунистик тарбияга комплекс ёндашув воситаси билан кадрларда ишчанлик, ташаббускорлик ва масъулиятни сезиш фазилатларини қарор топтиришга эришдик. Райком номенклатурасидаги ходимлар партиявий бурчга садоқат, одамларга эътиборли, меҳрибонлик намунасини кўрсатидар. Бундай муносабат ҳар бир катта ва кичик раҳбар ишнинг ажралмас хусусияти бўлиб қолди. Натижада меҳнаткашлар ўртасида давлат плани ҳамда социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга бўлган иштиёқ кучайди. Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги, ташкилотчилик қобилияти юксалди.

Партиямиз кишиларда янгиликни ҳис қилиш фазилатларини ҳамиша юксак қадрлаб келмоқда. Бу ривожланиш истиқболларини белгилаб олишга ёрдам беради, вужудга келаётган вазифаларни, проблемаларни ҳал этишнинг тўғри йўлларини топишга ундайди. Конференция қатнашчилари, сўзга чиққан нотиқларнинг нутқларида бу партиявий фазилат яққол сезилиб турди. Делегатлар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасини якдиллик билан қўллаб қувватлаб гапирдилар.

Наманган район коммунистлари — ижодкор, ташаббускор, янгиликка ихлосманд кишилар. Партия ташкилотлари фаолиятида КПСС Программаси ва партия Устави талабларини оғишмай амалга ошириш, вужудга келган ҳар бир янгиликдан омилкорлик билан фойдаланиш тобора кенг ўрин олаётир. Бу нарса КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини ўрганиш ва муҳокама этиш жараёнида яққол намоён бўлмоқда.

— Ҳозирги шароитда коммунизмнинг актив қурувчиларини тарбиялаб вояга етказиш муҳим вазифа бўлиб қолди, — деди минбарга кўтарилган ташаббускор бинокор Ж. Ҳасанов. — Кейинги йилларда раҳбар ва мутахассисларни ҳуда-беҳуда алмаштираверишга чек қўйилди. Оқибатда ҳар бир қурувчи ва прораб муайян участкаларда ўз қобилиятини кўрсатадиган бўлиб қолди. Мен салкам 20 йилдан буён қурилиш бригадасига бошчилик қиламан. Коллективимиз бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажарди. КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача яна бир беш йиллик топшириғини бажариш учун курашмоқдамиз.

Сўзга чиққан «Партия XXII съезди» колхози бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Жўраев, «Ленинград» колхози раиси Х. Мамажонов, район Совети ижроия комитетининг раиси С. Тошпўлатов, Свердлов номли колхоз сут соғувчиси З. Раҳматуллаев, педиатр-врач Л. Болтаева ва бошқалар ҳам хўжалик юритишни юксак даражага кўтариш, қабул қилинган қарорлар ижроси, кадрларни ташаббус кўрсатиш руҳида тарбиялаш муваффақиятларни қўлга киритишнинг зарур шарти бўлиб келаётганлигини таъкидладилар. Бундай ишбилармон, тадбиркор ва ташкилотчи кишилар районда анчагина. Машҳур пахта усталари: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Абдуллаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Ленин ордени кавалери С. Эгамбердиев, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ж. Карамова ва бошқаларнинг номларини конференция қатнашчилари ҳурмат ва эъзоз билан тилга олдилар.

Район партия комитети ҳисобот даврида КПСС XXV съезди қарорлари асосида меҳнаткашларни тарбиялашга комплекс ёндашув соҳасидаги масалаларни пленум, бюроларда мунтазам кўриб борди. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида иш олиб бораётган бир қанча бошланғич партия ташкилотларининг ҳисоботлари эшитилди. Жумладан, «Ленинград», Свердлов номли колхозлар бошланғич партия ташкилотлари секретарлари ҳамда «Самарқанд» совхози коммунистларининг меҳнаткашларни тарбиялашга комплекс ёндашуви соҳасидаги тажрибалари умумлаштирилди. КПСС Марказий Комитетининг бир қатор қарорлари, жумладан, «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, коммунистлар ва партиясизларни марксча-ленинча назария билан қуроллантириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Партия, комсомол сиёсий маорифи, иқтисодий таълим системаси ва халқ университетлари, коммунистик меҳнат мактабларида салкам 15 минг киши илм олмоқда, ғоявий жиҳатдан чиниқмоқда. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси кенг ўрганилаётир. Район партия комитетининг бошланғич ташкилотларга раҳбарлик савияси яхшиланганлиги, уларнинг фаолиятини янада активлаштириш учун конкрет тадбирлар кўрилаётгани омманинг меҳнат активлигини янада кучайтирмоқда. Эришилган ютуқларни кўпайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш ҳаракатини жадаллаштирмоқда. Райком бюроси меҳнаткашларнинг мавж уриб турган ғайрат ва ташаббусларини ҳамма вақт қўллаб-қувватлаб, янгиликларни илгаб олиб, йўналтириб бормоқда. Ҳисобот даврида «Ташаббуслар — тарбия мактаби» деган жанговар шиор остида Ленин номли совхоз бош чўпони Э. Эргашев. «Коммунизм» колхози сут соғувчиси Ф. Ўразалиева, район колхозлараро қурилиш бошқармаси бригадири Ж. Ҳасанов, ҳар гектар ердан 50—60 центнердан пахта ҳосили олишга аҳд қилган 11 ташаббускор бригаданинг ватанпарварлик ҳаракати маъқулланди. Уларнинг тажрибаси кенг оммалаштирилди.

Ҳисобот даврида партия ташкилотлари ўсди ва сифат жиҳатдан яхшиланди. Ишлаб чиқариш илғорлари, новаторларидан 238 киши КПСС сафига қабул қилинди. Ҳозирги вақтда бошланғич партия ташкилотлари теварагига бирлашган 2700 дан ортиқ коммунист сифат ва самарадорлик беш йиллигида эришилган муваффақиятларни кўпайтириш ва мустаҳкамлашда намуна бўлаётирлар.

Районда аҳолига маданий-маиший, савдо, медицина, коммунал, алоқа ва транспорт хизмати кўрсатиш яхшиланди. Кутубхоналар, кишлоқ клублари, бахт уйлари, ҳаваскорлик коллективларининг фаолияти активлашди. Маориф ва маданият ривожланди, меҳнаткашларнинг дам олиши бирмунча яхшиланди. Профилакторий, санаторий, дам олиш уйларига бепул путёвкалар бериш йўлга қўйилди.

Конференцияда шу нарса ҳам таъкидлаб ўтилдики, бир қанча бошланғич партия ташкилотлари коммунистларнинг ўз бурчига садоқат, топширилган иш учун масъулият ҳиссини таъминлай олмадилар. Ҳисобот даврида ўзларининг нолойиқ ахлоқодоби, хизмат вазифасини суиистеъмол қилгани учун 12 киши партия сафидан ўчирилди. Уларнинг коллективлар шаънига доғ туширгани, коммунист деган муқаддас номга номуносиб ҳаракатлари қораланди.

Район партия конференцияси делегатларнинг актив иштирокида, ўз-ўзини таҳлил руҳида, зўр ишчанлик позициясида ўтди. Конференцияда район ҳалқ хўжалигини бундан буёнги юксалишига қаратилган режалар белгиланди. КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Конференцияда Наманган область партия комитетининг секретари Т. Рўзибоев нутқ сўзлади.

Конференцияда район партия ташкилотининг раҳбар органлари, область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Наманган район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Ўртоқ Х. Охунов район партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚУДРАТЛИ ВОСИТА

Ривожланган социалистик жамият шароитида мамлакатимизни иқтисодий ва социал ривожлантириш вазифалари беқиёс кенгайиб, мураккаблашиб бормоқда. Бу вазифаларни давлат бошқарувини такомиллаштирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Доҳий В. И. Ленин айтганидек «...Давлат аппаратимизни бирданига, бир зарб билан ўн ҳисса оширадиган «жуда яхши бир восита», биронта ҳам капиталистик давлат ҳеч қачон эга бўлмаган ва эга бўла олмайдиган восита ҳам бор. Бу жуда яхши восита — давлатни идора қилиш билан боғлиқ бўлган кундалик ишга меҳнаткашларни... жалб қилишдир». Давлат ва жамоат ишларини бошқаришда меҳнаткашларни тобора кенгроқ қатнаштириш ҳозир ҳам совет жамияти сиёсий системасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Меҳнаткашларнинг давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг тобора такомиллашиб бораётган формаларидан бири давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалаларнинг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши бўлиб совет халқи бундай муҳокамаларда актив иштирок этади. Бу ишнинг оммавийлигига СССР, иттифоқдош ва автоном республикалар янги конституциялари лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Асосий қонун—бахтномамиз лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасида 140 миллиондан ортиқ киши қатнашди.

Сўнгги йилларда иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планлари меҳнаткашларнинг коллективларида кенг муҳокама этилганидан кейингина Олий Совет сессияларида қабул қилинмоқда. Чунончи шу кунларда КПСС XXVI съездига Асосий йўналишлар, лойиҳаси меҳнаткашлар томонидан умумий йиғилишларда, матбуотда, телевидение ва радиода кенг муҳокама қилинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлат органлари билан жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқа ва ҳамкорликнинг ташкилий формалари йил сайин такомиллашиб бормоқда. Давлат бошқарувининг иттифоқ, республика ва маҳаллий органлари билан оммавий жамоат ташкилотларининг хўжалик ва социал-маданий қурилишга доир энг муҳим масалаларни биргаликда муҳокама этиб қўшма қарор қабул қилишлари одат тусига кириб бормоқда.

ХЎЖАЛИКНИ БОШҚАРИШ

Бошқарув аппарати мансабдор шахсларининг меҳнаткашлар олдида ўз ишлари юзасидан ҳисоб бериб туришлари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Конституцияга биноан маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари меҳнат коллективларидаги ва гражданларнинг истиқомат жойларидаги йиғилишларда йилига камида бир марта ҳисоб бериб турадилар. Бундай йиғилишларнинг қарорларида танқидий мулоҳазалар ҳам, аппарат ишини янада такомиллаштириш тўғрисидаги таклифлар ҳам бўлади. Ҳозирги кунда давлат аппарати турли бўғинларининг ва мансабдор шахсларнинг иши ҳақида телевидение, радио орқали ва матбуотда ахборотлар бериб туриш кенг қўлланилмоқда. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларнинг эътиборини давлат ишларига янада кўпроқ жалб этмоқда.

Бундан ташқари, гражданлар давлат бошқарув органларига уларнинг қарамоғидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини яхшилаш тўғрисидаги ўз таклифлари, фикр, мулоҳазалари билан киришлари, ишдаги камчиликларни асосли танқид қилишлари ҳам мумкин.

Меҳнаткашларнинг давлат ишларини бошқаришдаги иштироки давлат ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланиш, улар составида иш олиб боришда ҳам ўз ифодасини топади. Зеро бу хилдаги иштирок социализмнинг ажралмас белгисидир. Жамиятимиз коммунизм сари тараққий этиб борар экан, бундай фаолият ҳам тобора кенгайиб боради ва оқибат натижада ўсиб, коммунистик ўз-ўзини бошқаришга айланади.

Юқорида қайд этилганларга асосланиб, Асосий йўналишлар лойиҳасидаги «Хўжаликни бошқаришда меҳнаткашларнинг ташаббуси, ижодий активлиги ривожлантирилсин» деган қондани тўла маъқуллаш билан бирга лойиҳанинг XII бўлимига **«Меҳнаткашларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришдаги иштироки тобора кенгайтириб борилсин»** деган умумий қоида киритилишини таклиф қиламан.

Б. МИРБОБОЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг И. М. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти катта илмий ходими, юридик фанлари кандидати.



Чирчиқ трансформатор заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини зўр қизиқиш ва фаоллик билан муҳокама қилмоқдалар. Бу муҳокама давомида янги ташаббуслар вужудга келаётир. Жумладан, корхонанинг кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари КПСС XXVI съезди фахрий номини олиш учун социалистик мусобақага қўшилдилар. Суратда: заводнинг илғор монтажчи-слесарларидан бири Н. Наумов. У ишлаётган бригада коммунистларнинг олий анжуманини очиладиган кунгача 1983 йил иш программасини бажаришга қатъий аҳд қилган.
В. Скроткин фотоси.

ЯКУНЛОВЧИ ИИЛ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТЛАР

Республикамиздаги ишлаб чиқариш коллективлари партиямизнинг XXVI съезди ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съезди шарафига социалистик мусобақани кун сайин қизитиб, улкан зафарларни қўлга киритишмоқда.

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи-хизматчилари «КПСС XXVI съездига — 26 зарбдор ҳафта» шиори остида ишлаб, катта ютуқни қўлга киритдилар. Беш йиллик план муддатидан илгари бажарилди. Беш йилликка планга қўшимча равишда 12 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мўлжалланмоқда.

Корхонада келгуси беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётган илғорлар жуда кўп. Улар самарадорлик ва сифат беш йиллигини муваффақиятли якунламоқдалар. «Ўнлар ташаббуси»нинг ижодкорларидан бири Шоира Ҳолмуҳамедова икки беш йиллик топширигини биринчилар қатори уддалади. Р. Маткаримова, М. Қодирова, А. Гладкова, Н. Эргашева сингари илғор ишчилар ҳам икки беш йиллик топширигини бажариб, эришилган муваффақиятга муносиб ҳисса қўшдилар.

САМАРАДОРЛИК—БОШ МЕЗОН

СТУДЕНТ ЁШЛАР ИЛМИЙ ИЖОДИ

Республика олий ўқув юртларида малакали мутахассислар тайёрлаш, ғоявий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтириш борасида бир қатор ибратли ишлар қилинмоқда. Ана шулардан бири студентларни илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб этишдир. Қирқ уч олий ўқув юртимизда бундай ишларга студентларнинг 70 процента жалб этилган. Бу 1975 йилдагига нисбатан қарийб 25 процент ортиқ бўлиб, 108 минг нафар талаба илмий-тадқиқот ишларида қатнашаётганлигидан далолат беради. Уларга олий ўқув юртларининг 14 мингдан ортиқ ўқитувчилари раҳбарлик қилмоқдалар. Натижалар ҳам қувончли. 1979 йили 1062, бу йил эса 1100 дан ортиқ диплом иши ва лойиҳа халқ хўжалиги учун зарур деб топилди ва амалиётга йўлланма олди. Буларнинг иқтисодий самараси йилига 10 миллион сўмни ташкил этади. Тошкент ва Фарғона политехника, Тошкент алоқа электротехника институтлари, Самарқанд давлат университетининг ёш илмий тадқиқотчилари тайёрлаган 200 дан ортиқ асбоб-ускуна ва макет шу олий ўқув юртларида ўқув жараёнига татбиқ этилди. Лойиҳа-конструкторлик, иқтисодий таҳлил, таржимонлик каби бюроларда 2500 нафар студент олиб борган хўжалик шартномаси асосидаги олтмиш иш муваффақиятли тугалланди. Олий ўқув юртларида давлат бюджети ва хўжалик шартномалари асосида олиб бораётган 1400 илмий тадқиқотнинг барчасида студентларнинг фаол қатнашувига эришилди.

Олий ўқув юртларидаги мавжуд кафедралардан 870 таси планларига илмий-тадқиқот ишлари киритилди. Студентлар учун ўқилаётган янги «Илмий-тадқиқот иши асослари курси», Тошкентдаги темир йўл транспорти инженерлари ва халқ хўжалиги институтлари олимлари томонидан тайёрланган «Студентларнинг ўқув-тадқиқот иши» методик қўлланма шу вазифалар ҳал этилишини енгиллаштиришга қаратилганлиги билан диққатга сазовор.

Илмий-тадқиқот ишлари студентларнинг ишлаб чиқариш практикаларида ҳам борган сари кўпроқ ўрин эгалламоқда. Тошкент политехника институти студентлари практика ўтиш жараёнида электроника, оптика, кучли нурланишнинг жисмлар билан ўзаро алоқаси, қаттиқ жисмлар физикаси ва химияси борасида олиб бораётган тадқиқотлари ёшларнинг камолотида, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф министрликлари ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳузуридаги студентлар илмий-тадқиқот ишлари республика Совети томонидан табиий, техника ва гуманитар фанлар бўйича ўтказилаётган конкурс ва олимпиадалар ижобий самара бермоқда. Ўтган йили йигирма олий ўқув юртида ташкил этилган фан ва техниканинг турли соҳасига оид конкурсларда етти минг илмий иш кўриб чиқилди. Натижада 329 студентнинг иши республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг диплом ва ёрлиқлари билан тақдирланди. Фан ва техниканинг олти йирик бўлими бўйича ўтказилган диплом лойиҳаси ва ишлари конкурсида кўрилган 600 ишдан 324 таси юқори баҳоланди. «Студент ва илмий-техника тараққиёти» мавзуидаги олимпиада ва викторинада эса мингга яқин студент иштирок этди. Шулардан 123 киши республика, 21 киши эса Бутуниттифоқ мукофотларига сазовор бўлди.

ФАН ВА ОЛИЙ МАКТАБ

Бироқ, студент ёшларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш борасида ҳам камчиликлар оз эмас. Ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмалари асосида республикада илмий-тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тадбирларига бағишланган республика партия ташкилоти активи йиғилишида бу соҳадаги камчиликлар танқид қилинди ҳамда уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилди.

Барча олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишлари билан ўқув программаларини уйғунлаштириш ҳамда бутун ўқув даврини ўз ичига олган ва таълим-тарбия жараёнида жорий этилган студентларнинг илмий-тадқиқот иши бир бутун системасини яратиш масаласига эътиборни кучайтириш лозим. Бундай умум ўқув системалари ҳозирги кунда Тошкент давлат чет тиллар, Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари, Темир йўл транспорти инженерлари институтларида мавжуд.

Студентлар илмий ишини институт, республика ва Бутуниттифоқ кўрикларига тақдим этиш, улар томонидан бажарилаётган барча илмий тадқиқотларнинг сифати ва самарадорлигини янада ошириш учун аввало республика Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф, Маданият, Қишлоқ хўжалиги, Соғлиқни сақлаш ва бошқа министрликларга қарашли олий ўқув юртлари маъмуриятлари, партия, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари эришилган ютуқлар билан чекланмай, мураббийлик ҳаракатини янги босқичга кўтариш, илмий-тадқиқот ишларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш устида тинмай изланмоқлари ва ишлаб чиқаришда керак. Айниқса, кечки ва сиртқи бўлим талабалари ўртасида тадқиқот ишларини жонлантириш ва бу ишни асосан ўқув программаси ҳисобига ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Мустақил фикр юритиш, илмий ишларда фаол иштирок этиш, ихтиролчиликка мойиллик комсомол ёшларимизнинг ажойиб фазилатларидандир. Барча олий ўқув юртларида ўтадиган студентларнинг илмий-техника конференциялари, конкурс ва олимпиадаларининг сифатли бўлишига эришмоқ шу куннинг муҳим талабидир. Бундай ижодий ҳисобот кунларига байрам тусини бермоқ, уларнинг кам сонли аудиторияларда, мутахассислар иштирокисиз, мунозарасиз ўтишига йўл қўймаслик керак.

Ўйлаймизки, барча олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари мавжуд камчиликларни бартараф этиб, республика партия ташкилоти активи қарорини бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар. Зеро, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, партия олий таълимни ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқда. Давримизга муносиб мутахассисларни, оммани ҳақиқий ташкилотчилари ва тарбиячиларини, замонавий фан асосларини мукаммал эгаллаб олган, чуқур коммунистик эътиқоди ва юксак аҳлоқий фазилатлари билан ажралиб турувчи ватанпарварлар ва интернационалистларни тайёрлаш олий мактабнинг муҳим бурчи ва фахрли вазифасидир.

Истиқболимизнинг кўлами ва аҳамияти жиҳатидан бемисл режаларини қизғин маъқуллаш билан бирга асосий йўналишлар лойиҳасининг «Фанни ривожлантириш ва техника тараққиётини жадаллаштириш» бўлимида «Илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказиш такомиллаштирилсин» деган сўзлардан кейин **«Студент ёшларнинг ижтимоий ва ижодий активлиги кучайтирилсин»** жумласи киритилса айни муддао бўлар эди.

А. ИСМАТОВ,
Ўзбекистон студентлар илмий-тадқиқот ишлари республика Советининг раиси, химия фанлари доктори.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги ҳамда республикадаги ишлаб турган кўмир корхоналарида авариялар ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш соҳасидаги профилактика хизматини яхшилашдаги катта хизматлари учун СССР Кўмир саноати министрлигига қарашли Ўрта Осиё ҳарбийлаштирилган кон-қутқарув қисмларининг бошлиғи ўртоқ Раим **Маҳмудовга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика пахта тозалаш саноати системасида кўп йил бенуқсон меҳнат қилганлиги, тармоқ корхоналарини ривожлантиришга шахсий ҳисса қўшганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги материал-техника таъминоти бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Владимир Васильевич **Тенга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, иқтисод фанини ривожлантириш ва илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-тадқиқот институти қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш секторининг мудири ўртоқ Лидия Николаевна **Даниловага Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми прокуратура ва суд органларида кўп йил самарали ишлаганлиги ҳамда республикада социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ишидаги хизматлари учун Сирдарё область суди раисининг ўринбосари ўртоқ Константин Михайлович **Югайга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлиги хатлар ва гражданларни қабул қилиш группасининг референти ўртоқ Муҳаббат Шосаидовна **Солиҳовани** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика балиқ саноати системасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитети ишлаб чиқариш-техника бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Анатолий Михайлович **Серебряковни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет, қишлоқ хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан «Узплодоовощвинпромга қарашли Фарғона область ишлаб чиқариш-аграр бирлашмасининг бош директори ўртоқ Абдурашид **Назаровни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЁЗУВЧИ ЮБИЛЕЙИ

Куни кеча Нукусда қорақалпоқ совет адабиётининг асосчиларидан бири — шоир, адиб ва драматург Жўлмурза Оймурзаевнинг 70 йиллиги нишонланди. Юбилей тантанасида иштирок этган Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми раиси К. Ризаев СССР Олий Совети Президиумининг Ж. Оймурзаевни «Халқлар дўстлиги» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб берди ва орденни ёзувчи кўкрагига тақиб қўйди.

Юбилеярни қардош республикалардан келган ёзувчилар ва жамоатчилик вакиллари табриклашдилар. Ж. Оймурзаевнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида автоном республика Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси, Қорақалпоғистон АССР халқ ёзувчиси Т. Қайипбергенов доклад қилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КАСБИМИЗНИ УЛУҒЛАЙЛИК

Инсон ҳаётида унутилмас воқеалар кўп бўлади. Бу воқеалар босиб ўтилган йўллан тегишли хулосалар чиқариб, янги уфқлар сари кўтарилишга чорлайди. Камолот ёшига етган қизлар, йигитлар замона талаби, ҳаёт тақозоси, юрак амри билан ўзларига муносиб касб танлайдилар ва ҳамиша касбнинг соҳибаси, соҳиби бўлиб қоладилар.

Касб танлаш катта ҳаётнинг янги босқичига қўйилган илк қадамдир. Унинг зинапояларидан чўққига кўтарилиш қийин, машаққатли, аммо шарафлидир. Шундай даврда яшаяпмизки, совет кишилари ўзларининг бунёдкорлик меҳнатлари, партиямизнинг кўллаб-қувватлаши билан эзгу орзуларига эришмоқдалар, кечаги рекордни бугун нормага айлантирмоқдалар, эртага янги ташаббуслар билан чиқишга интилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети партия XXVI съездига тақдим этган ва умумхалқ муҳокамасига қўйган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси эълон қилингандан буён ўтган қисқа вақтда кўпгина ана шундай ташаббуслар туғилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кейинги ойдагина Андижон область партия комитетининг, Калинин, Чиноз, Бахмал, Бўзатов, Гагарин ва бошқа қатор районлар пахтакорлари, чорвадорларининг ўн биринчи беш йилликда хўжаликларни комплекс тараққий эттириш, беш йиллик план топшириқларини барвақт бажариш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусларини маъқуллаги. «Келгуси ўн йиллик,— дейилади лойиҳада,— коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этишда, иқтимоий муносабатларни ривожлантиришда, янги инсонни камол топтиришда янги катта босқичдир». Кўтарилаётган ташаббусларнинг туб негизини ана шу ҳаётий ғоялар ташкил этади.

Касбни шарафлаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи, шон-шараф, виждон ишидир. Чунки улар она-Ватаннинг иқтисодий қудратини оширади, халқни қийинтиради, дастурхонига файз, қут-барака киритади, рўзғорини бут, турмушини фаровон қилади. Республикамиз пахтачилиги, чорвачилигини ривожлантириш, маҳсулотлар мўл-кўллигини бунёдга келтиришга муносиб ҳисса қўшиш қишлоқдаги ҳар бир меҳнаткашнинг энг муҳим вазифасидир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ғоятда ёркин ва мазмунли докладлари, нутқларини ҳамиша зўр қизиқиш ва мароқ билан ўқийман. Бу тарихий ҳужжатларни колхозимизнинг барча аъзолари ҳам ҳаёт ва меҳнат фаолиятининг бош мезони деб биладилар. Леонид Ильич одамлар ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, уларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, ташаббускорлигини ошириш, қалбига йўл топа билиш, онгига таъсир ўтказиб, куч-ғайратини сиёсий-хўжалик вазифаларни бажаришга сафарбар этиш белгиланган планлар муваффақиятли бажарилишининг асосий йўли эканини уқтирди.

Бунга жавобан пахтакорлар, чорвадорлар маҳсулотларни кўпайтириб, эл-юртга довруқ солмоқдалар. Ташаббускор область ва районларнинг даъватлари бунинг ёркин далилидир. Сизларни ташаббусларга қўшилишга чақираман, дугоналарим, тенгқурларим! Ирмоқлар бирлашиб дарёлар ҳосил қилганидек, ҳар биримизнинг фидокорона меҳнатимиз мевалари жамланиб, коммунизмнинг моддий-техника базасини ташкил қилади.

Кўпинча мендан: сут соғувчиларнинг ишлари кўп, сигирларни асрайди, боқади, соғади, агрегатлардан фойдаланишни яхшилаш, маҳсулотларни кўпайтириш, таннархни арзонлаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш йўлларини излайди, ўз малакасини ошириш устида ишлайди. Шулар ичида энг муҳими қайси бири деб сўрашади.

Мен уларга: ҳаммаси ҳам муҳим. Лекин энг муҳими—одамлар билан ҳамкор, ҳамнафас бўлиб ишлаш, ютуқларни бирга баҳам кўриш, камчиликларни биргаликда бартараф этишда деб жавоб бераман.

Мисол учун бизнинг колхозимизни олиб кўрайлик. Ўнинчи беш йилликда 5150 тонна сут, 430 тонна гўшт, 535 минг дона тухум тайёрланиб, давлат планлари ва социалистик мажбуриятлар ортиғи билан топширилди. Ҳар бош сигирдан ўртача 3615 килограммдан сут соғиб олинди. Ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 400 килограммга етказилиб, гўштга топширилди. Менинг боқимимдаги сигирлардан соғиб олинган сут 6200 килограммни ташкил этди. Дугоналаримдан Малоҳат Ҳакимова, Сора Элимбоева, Лола Султонова, Насиба Нурматовалар 4500—5000 килограммдан сут соғиб, мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

Аммо зиммамизда қиладиган ишларимиз кўплигини унутмаслигимиз керак. Ўн биринчи беш йилликда республикамиз бўйича ҳар йили ўртача 400—410 минг тонна (сўйилган вазнда) гўшт, 2,5—2,7 миллион тонна сут ва кўплаб бошқа хил чорва маҳсулотлари етиштиришдек шарафли вазифалар белгиланди.

Комплексдаги говмуш сигирлар сонини 200 тага кўпайтирамиз, ишнинг оғирини машина-агрегатлар зиммасига ортамиз, меҳнат унумдорлиги ва рентабелликни кўтарамиз, сарф-харажатларни камайтирамиз, ички резервлардан тўла фойдаланамиз, социалистик мусобақани кучайтирамиз, сафимизда қолоқлар бўлмаслигига эришамиз. Колхозимиз бўйича ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 4000 килограммга кўтариб, ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини 480—500 килограммга етказиб гўштга топширамиз. Кунлик, ойлик, квартал планларнинг мунтазам бажариб борилишини таъминлаймиз.

Бизда фан-техника ютуқлари, илғор тажрибалар, экономикани ўрганиш тўгараклари ташкил қилинган. Ўзаро фикр алмашиш, илғор сут соғувчиларнинг ёш ходимлар билан учрашувлари ўтказиб турилади. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш биринчи ўринга қўйилган. Имконияти даражасидан паст ишлаётганларга доимо ёрдам беряпмиз. Бегамлик, бепарволик, ўзибўларчилик ҳолларига асло йўл қўймаймиз.

Яқинда матбуотда эълон қилинган КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Чорвачилик ходимларининг 1980—1981 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун Бутииттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорида социалистик мусобақа «Кам сарф-харажат қилиб, кўпроқ ва сифатли маҳсулот етказиб берайлик» шиори остида ўтказилиши керак дейилган. Комплексимиз коллективи ўзининг кўп қиррали фаолиятида бунга тўла амал қилади.

Ўн биринчи беш йиллик план-топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга тўхталиб ўтмоқчиман. Айрим фермалар, комплексларда ходимлар етишмайди. Ўнинчи синфни битирган қизлар, йигитларни, ўрта ва олий маълумотли мутахассисларни шу жойларга ишга таклиф этамиз.

Яна бир муҳим масала шуки, сигирлар зотини яхшилаш борасида суяткашлик кўрсатилаётир. Хўжаликларнинг рахбарлари говмиш сигирлар, сергўшт қорамоллар сонини кўпайтириш ҳақида амалий чоралар кўришлари керак. Маҳсулотлар етиштиришда биринчи ва иккинчи кварталларда ўзибўларчиликка йўл қўйилиб, учинчи, тўртинчи кварталларда пойгачиликка ўтилади. Бундай ярамас иш услубига барҳам бериб, планларни кварталма-квартал бажарилишини таъминлаш керак.

Машиналар, механизм-агрегатларни тезроқ ишга солайлик, юқори унум билан ишлатайлик, бекор туриб қолишига йўл қўймайлик. Бир агрегат ўн сут соғувчининг ишини бажаришини унутмайлик. Озуқани маҳсулотларни кўпайтириш манфаатларини кўзлаб сарфлаш лозим. Озуқа экинлари майдонини кенгайтириб, ҳосилдорлигини оширишимиз, қурилиш-ободончилик ишларини кучайтиришимиз керак.

Ўлмасой ЕҚУБОВА,
Тошкент область Янгийўл районидаги уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз чорвачилик комплексининг сут соғувчиси.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Эътибор ОХУНОВА,
Узбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

ЁГДУ МАСКАНИ БУ...

I. ДОҲИЙ ҲАЙКАЛИ ПОЙИДА

Бунда ёгду айланади,
нур сочади туну кун.
Бунда офтоб айланади, кетолмайин халқдир.
Бунга дунё ошиқади, дарё бўлиб оқар тун,
Бунга қуёш ботар асли,
кезиб келгач фалакдин.
Тонг,
Қизил майдон...
Икки қуёш учрашди... турардим рўбарўда,
Икки қуёш ёгдуси сиғмай кетди оламга.
Икки офтобни кўрдим бир-бирининг бағрида
Икки ёлқин нурлари оққандайин қаламга.
Ҳар тонг икки офтоб учрашар бу манзилда,
Ҳар тонг икки нур ила ёришади бу жаҳон.
Бири — осмон қуёши, бири — офтоб замида,
Икки ёгду қўшилиб — машъал ёнар бегумон.
Доҳий юзига тушиб, офтоб қамашар нурдан,
Бир зумгина пол қолар қуёш адашиб йўлдан.
Бу мунаввар олам ичра тиниқади тушунчам,
Бу қуёшнинг шуълалари ёритади йўлимни.
Иқболимнинг ижодкорин кўргани мен кўпинча,
Унинг билан сўзлашгани, шод этгани кўнглимни
Ҳузурига борурман, уйғотиб мен қуёшни,
Ҳурмат бажолаб тургум, таъзимга эгиб бошим.
Бахти бекам аёллар энди қуйлаб яшаймиз,
Кўксида ой тўлишиб, меҳнат қилар оналар.
Биз ҳам дунё ташвишин ўйлаб қадам ташлаймиз,
Биз ёққан оташларда ёнди тул замонлар...
Қошингизда турурман... мен ҳам бу юрт эркаси.
Бугунидан шоёндир қизингизнинг эртаси.
Кечагина жилға эдик, беҳолгина қуйлаган,
Сув бердингиз, қудрат яна, биз айландик дарёга
Таржимаи ҳолимиз бахт-кеча бахтга тўймаган,
Зеҳну баркамоллик билан биз кўз ташлаб дунёга.
Шодлигимиз қалам бирлан сўзламоқлик бахтимиз,
Орзумиз бир учқун эди, машъал қилиб ёқдингиз.
Аёл ўтган жин кўчалар нур кўчага айланди,
У яшаган гўшаларда бўй кўргазди қасрлар.
Нур кўчамиз муаззам ул Москвага бойланди,
Биз бўлаган тор туйнукни олиб кетди асрлар.
Ойларимда қатра иқбол, қатра бахтнинг дардими?
Йўқ! Жаҳонга бахт улашган отанинг фарзандиман.
Елғиз эдик, ожизгина соч толаси мисоли,
Узиб-узиб ташлар эди ўтмиш бизни овлоққа.
Биз асрлар кутган эдик Сиздек ўктам инсонни
Ташна эдик қардошликни қаламларга олмоққа.
Бизни сочдай саф қилдингиз, мустаҳкаммиз занжирдай,
Давримизни дерлар букун дурлар тўла ганжина.
Ун беш опа-сингиллармиз, ўн беш миллион эҳтимол,
Ун беш дафинаар ичра этдингиз хазинабон.
Аёл бўлиб туғилганнинг энди бизда бахти бор,
Сочволларнинг ўрнига Сиз бердингиз тахтиравон.
Аёл — чўри... деган сўзлар беркинди луғатларга,
Аёл — саркор бўлиб яшар зафарлар, шуҳратларга.
Отажоним,
Бу тонг яна негадир уйқум қочди,
Нигоҳ солсам, бир дона гул очилибди боғимда.
Сизга ўстирган гулим субҳидам чирой очди,
Гулни мен боғимдан эмас, узгандайман бағримдан.
Тоза меҳримга йўғириб, пойингизга келтирдим,
Гул баҳона... қалбим очиб бир пастгина ўлтирдим.
Гул узатдим... сўнгра сизга сўзладим муҳаббатим
Жилмайдингиз, бу офтобдан чарақлаб кетди кўзим.
Хаёлимни олиб кетди орзулар мамлакати,
Юрагимда бир соф нашъа, унутиб қўйдим ўзим.
Сиз ҳол-аҳвол сўрадингиз, бошимни силадингиз,
Мен заррадай эдим бунда, қаршимда турар денгиз.
Сиз денгизман демадингиз, олиб соҳилдан хабар,
Буюк қоям... эл кўкси ҳам юксалди қоя қадар.
Сиз қуёшдай боқдингиз-у олам ёришди бирдан,
Зулмат янглиг шууримиз тўлишди минг ранг билан.
Шу рангларнинг жилоси бор ерим, ноним, қонимда,
Шу ранглардан бўёқ олгум қалам тутган онимда.
Асрлар-ки, шоир қадри паст юрарди чақадан,
Бугун эса Навоийни бутун олам тан олди.
Улуғбекнинг китобини ўқирлар минтақалар,
Ул донишлар ўтди, лекин илму-фан, Ватан қолди,
Тафаккурни алқадингиз, дунё кўрди қалам ҳам,
Иқтидорга алмашдилар бизлар кечган заҳмат, ғам.
Тошкент букун шеър шаҳридир, шоирлари бир жаҳон,
Кўҳна, тупроқ вайроналар ўрнида шеър масканн.
Ун беш дарвоза ўрнида — ўн беш қардош бир макон,
Даҳҳон ўроқда шеър битар, шеърдадир дил таскини,
Мушоира аввалида Сизни ёдлар барчаси,
Сизга атар илк ижодин, юрагининг парчасин.
Нафсатли бир оламдир букун она шаҳримиз,
Кўчалардан шошиб, лоқайд юрмоқлик бўлур хато,
Проспектлар... асли санъат музейи десак ҳақлимиз,
Сайқалин берган ишчилар, меҳрини тўккан ҳаттот,
«Москва», «Боку», «Ереван», «Украина» бекати,
Бари битта оиладир, Узбекистон элати.
— Энг қадрли нима сизда! — сўрагандай бўласиз,
— Дўстлик,—дейман фахр ила,—дўстлик дейман, отажон,
— Энг тотли у нима дейсиз! — сўрагандай бўласиз,
— Қардошликнинг неъматлари тотли, — дейман ҳар қачон,
Оддийликдир, дейман яна Сиз ўргатган фазилат,
Камтарликдир яна, Сиз кўрсатган ул хазина.
Ҳақиқатдай оддий, содда яшадингиз ўзингиз,
Ҳақиқатдай мангудирсиз, буюкдирсиз жаҳонда.
Ўзингизни унутиб ҳам бизни—бизни дедингиз,
Ҳар башарнинг умридасиз, ҳар бир инсон жонида.
Сиз ўргатган оддийликдан олам топар тарбия,
Дунё камолига мангу қутлуғ академиям!

II. КОММУНИСТ

У туғилди адолат дунёга келган тонгда,
Курашлар шамолида тебранди беланчаги.
У йўлга кирди Ленин иштирок этган жангда,
Унинг исми Абдулла, унинг жисми Корчагин.
Шуълаларни кашф этган Ватан унинг макони,
Меҳнаткашнинг нонидай пишиқдир зувараси.
Халқи каби жавдари унинг танида қони,
Инқилоб доя бўлган жангу-жадал боласи.
У бадиий образмас, юлдуз тўла осмонмас,
Ҳаёт яратган образ, қуёш нуридек ёркин.
У— юртнинг қон томири, хаёлий бир достонмас,
Халқ дилидай содда у, халқнинг бастидай дуркун.
У — деҳқоннинг боласи, дуру маъво яратган,
У —чилангар, пайвандлар дунёнинг кемтигини,
У—волида, ростгўйлик бешигини тебратган,
У — офтоб, парваришлар ҳаётнинг куртагини.
Ул теранлик қошида қалам тутганча қолдим,
Ул фозилнинг зеҳнида халқнинг закосин кўриб.
Ленин дорилфунунин учратдим, сабоқ олдим,
Коммунист берди менга тинчлик қалъасин қуриб.
Мен боғларда капалак қувлаб юрган чоғимда,
У дўзахлар қатига кириб борди, биламан.
Мени парқуга ўраб, ўзи ўт чақмоғида
Қоврилганин биламан, унга таъзим қиламан.
Биламан, унинг қўли жанггоҳларда қолганин,
Қўлмас, азиз умридан қирқилган парча жони.
Биламан, гулханларда олов ичра ёнганин,
Ёниб кетмасин дея халқининг тоза шони.
Биламан, эллик ёшда бобо бўлди баъзилар,
Сочида оппоқ қору юрагида охори.
Коммунист ога, берай ёшлигим, ўт назмим-ла,
Муҳаббатимни берай, берай гулу баҳорим.
Аслида биз ёшликни ўзингиздан олганмиз,
Сиз бергансиз бизларга ёниб турган севгини.
Сизлар берган қалам-ла вазнларга солганмиз,
Сизлар берган кулгини, шодлик тўла туйғуни.
Сиз ҳамон дорилфунун... термуламан ҳавасда,
Гоҳи дастгоҳ қошида, гоҳ йўлларда, билмайсиз,
Бизни — азиз фарзанддек ардоқлаб ҳар нафасда,
Первозимизни кўриб, қўшиғимиз тинглайсиз.
Ҳар тонг Сизни кўраман, нурдек бўлиб ўтасиз,
Ҳар тонг юраккинамда олов олар ҳурматим.
Боқий яшанг бош бўлиб шу мунаввар юртда Сиз,
Инсонлар боқий кўрсин офтобни, ҳурриятни.
Коммунист биз-ла яшар, соддадил у жуда ҳам,
Дабдабани севмайди, ёқтирмас хушомадни.
Ўзин орқароқ қўйиб, кўрсатар бошқаларни,
Лекин нурдек балқийди мунавварлик ичра ҳам.
Наздимда, коммунистнинг офтоб мисол суратин
Қолам бирлан ёзмоқлик, чизмоқлик ҳам маҳолдир.
У шундайин бир ёлқин, у шундайин қудрат-ки,
Назаримда у айтган ҳар сўз ўзи жаҳондир.
У таърифга сиғмайди, тавсифни четга қўйдим,
Борин ёзмоқчи бўлдим, ўзим кузатганимни.
Дафтарга унинг ўзин шундоқ кўчирдим-қўйдим,
Сайқал ҳам берганим йўқ, бир сўз тузатганим йўқ.
Наздимда, мўйқаламнинг энг ноёби, моҳири,
Ухшатиб чизаолмас элнинг номус-ории.
Ахир коммунист элнинг тоза қони, ориди,
Ёзмоқ керакдир бунда ҳақиқатни, борини.
У халқнинг томиридан ўсиб чиққан бир чинор,
Коммунист сиймосида яшаб келар халқ ўзи.
У элнинг орзусидай бир чашмадир беғубор,
У юртим осмонининг порлаб турган юлдузи.
Қуёш билан келади, ола-келар саҳарни,
У кафтида келтирар ҳар тонг кумуш офтобни.
Ободликка элчи у, чорлаб келар зафарни,
У битди «Инсон буюк қудрат!» деган китобни.
У элидай ижодда, яшар заҳматкаш, танти...
Тунлар қоғоз узрадир унинг мужгон қаламм.
У бор — кўнгил уйимиз нурхонага айланди,
Журъатларга айланди, ғурбатларнинг оламн.
Иш устида бўлганда талаб қилар суръатни,
Халқ сўзидай одилдир, халқ кўксидай устивор.
У тинглайди шоирни, ардоқлайди саньатни,
Унинг гулдек юраги, унинг тоғдек кўкси бор.
Уни ўхшатгим келар тўлқинли бир баҳрга,
Дўст-ёрига ҳамдард у, аламларга бардошли.
Шунинг учун эҳтимол, бундай ўтли баҳрга,
Ухшатгим келар доим сахий, бобо қуёшни.
У — ишқ ўзи биламан, элнинг дилида, демак,
Йўлчи юлдузга ўхшар бизлар очган қўрқида.
У раҳнамо керакда, керакда таянч, кўмак.
У тоғ суянганингда, керакда йўл-йўриқдир.
Агар ушбу ҳаётни ўхшатсак бир денгизга,
Ногиҳоний келса гар тўлқин уриб, бир уммон.
У — уфқдир, соҳилдир, сарбондир бир чексизда,
У — маёқдир, нажотдир, нур таратар бегумон.
Ҳаётнинг денгизида тўфон турса агарда,
Довул келса ногиҳон, гирласа ёки бўрон,
У денгизга ташланар мисоли бир лангардай,
У капитан кемада, йўл бошлайди бегумон.
Кўрганим бор, кулганин худди гўдак боладай,
Кўрганим бор, шодланиб жўшгани шалоладай.
Кўрганим бор, машъалга шошганини гул билан,
Кўрганман, маҳзунлиги ғамгин бир тўйғу билан.
Биламан-ки, Горькийнинг қалби унда яшайди,
Унда яшаб келади улуғ Пушкин тилаги.
Доҳий Ленин орзуси у-ла қадам ташлайди,
Унда яшаб келади Ҳамзанинг келажаги.
Шунинг учун таърифга сиғмай қолар бу юрак,
Шунинг учун бу ўтин ўраб бўлмас қоғозга.
Суратига бўёқ йўқ, шу қадар ёркин тилак,
Уни солиб бўлмайди оддийгина бир созга.
Улар оддий яшайди, лекин улар улкан дил,
Оддийлик ичра яшар шундай улкан зувола.
Коммунист бу — сен-мени ардоқлаб ўстирган эл,
Коммунист бу — биз яшаб, камол топган Замона!

1980 йил.

Планетамизда

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН

Лаос Халқ Демократик Республикаси янги йилга ишонч билан қадам қўймоқда. ЛХДР меҳнаткашлари мамлакатнинг иқтисодий ва социал қурилишидаги муваффақиятларидан ҳақли равишда мамнун бўлмоқдалар.

Утган уч йил мобайнида қишлоқ хўжалигини юксалтиришга биринчи даражали аҳамият берилди. Мамлакат аҳолисининг кўпчилиги шу соҳада ишлаб турибди. Лаос тарихида биринчи марта деҳқонлар биргаликда меҳнат қилиб, аввалига деҳқончилик ширкатлиги, сўнгра эса кооперативларга бирлашдилар. Ҳозир қишлоқда 2800 та кооператив хўжалик бор.

Тугаб бораётган йилда Лаос Халқ революцион партияси халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини янада ошириш чораларини кўрди.

Лаос халқи мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришдаги ҳамма муваффақиятларига Совет Иттифоқининг, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг ёрдами туфайли эришганлигини изоҳ этмоқда, деб таъкидлайди «Сиенг пасасон» газетаси.

СЕССИЯ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

Гаванадаги Конгресслар саройида Куба халқ ҳокимияти миллий ассамблеясининг навбатдаги сессияси ўз ишини тамомлади. Республика давлат ҳокимияти олий органининг 450 га яқин депутати мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилга ҳамда бутун келгуси беш йилликка мўлжалланган планини муҳокама қилиб, қабул этди, Кубанинг келаси йилги бюджетини тасдиқлади.

Миллий ассамблея депутатларининг қарорига биноан келгуси йил 1961 йил апрелида Кубага қарши интервенция қилишга уринган империализм малайлари тўдалари тор-мор этилганлигининг шонли юбилейи шарафига «Плайя — Хирондаги ғалабанинг йигирма йиллигига» деб аталадиган бўлди.

Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси билан халқ ҳокимияти миллий ассамблеясининг қўшма қарорида Куба Компартияси II съездининг қарорларига муваффақ мамлакатнинг миллий экономикасини ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқаришни янада ошириш зарурлиги таъкидланади.

(ТАСС).

АҚШНИНГ МИЛИТАРИСТИК МУДДАОЛАРИ

ҚУВАЙТ, 30 декабрь. (ТАСС). Вашингтон нефтга бой бўлган Форс кўрфази районн устидан ўзининг ҳарбий ҳукмронлигини ўрнатишга интилиб, шу региондаги мамлакатларга қурол-яроғларни зўр бериб, кўплаб етказиб бермоқда.

Қувайтда чиқадиган «Ассиёса» газетаси хабар қилганидек, яқин етти ой мобайнида Саудия Арабистонига Американинг АВАКС системаси билан жиҳозланган бир туркум самолётини сотиш тўғрисида АҚШ билан Ариёт ўртасида аҳдлашувга эришилган.

Маълумки, Эрон — Ироқ қуролли можароси бошлангандан кейин Пентагон экипажи билан бирга тўртта АВАКС самолётини ва хизмат ходимларидан 300 кишини «вақтинча» Саудия Арабистонига юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. «Нефть ташиладиган муҳим денгиз йўлларини кема қатнови учун очиқ қолдириш» баҳонаси билан шундай қилинган эди. Амалда эса Қўшкўрфази устидан электрон назорат ўрнатишга ва Американинг Ҳинд океани шимолий қисмида тўпланган ҳарбий денгиз кучларини зарур разведка маълумотлари билан таъминлаб туришга интилмоқда.

АВСТРИЯ. Мамлакатда қимматчилик тўхтовсиз ошаётган бир шароитда пенсионерлар зўрға кун кечирмоқдалар. Суратда: муҳтожлик туфайли аккордеон чалиб, пул топаётган инвалид.

А. Ковригин фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БУДАПЕШТ. Венгрияда ишлаб чиқариш рационализаторлари ва новаторлари шу беш йилликнинг энг муҳим халқ хўжалик вазифаларини ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшдилар. Беш йил ичида уларнинг таклифларидан фойдаланиш натижасида 32 миллиард форинтлик иқтисодий самара олинди.

ЛОНДОН. Англиянинг «Дейли мейл» газетаси миллий экономиканинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлмиш автомобиль саноатида рўй берган аҳволни «халокатли ҳодиса» деб атайди. Бир замонлар равнақ топган автомобилсозлик саноати кейинги йилларда ғоят кескин кризисни бошидан кечирмоқда.

Корхона эгалари кескин кризис проблемаларини меҳнаткашлар ҳисобига ҳал этишга уриниб, неча ўн минглаб кишиларни ишдан бўшатмоқдалар. Англия матбуоти таъкидлаб ўтганидек, ҳозирги вақтда саноатнинг шу соҳасидаги ишчи ва хизматчилардан яна 35 минг киши ишдан бўшатилиш хавфи остида қолди.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг қишлоқ районларида жиноят қилиш авж олиб кетди. Қишлоқ жойларда жиноятларнинг миқдори шаҳарлардагига нисбатан бир мунча кам бўлса ҳам, тез ортиб бормоқда. 1959 йилда мамлакатнинг қишлоқ районларидаги ҳар юз минг кишига 290 дан кўпроқ оғир жиноят тўғри келган эди. Федерал текшириш бюросининг ҳисобига қараганда, бу йил 2.069 жиноят қилинган.

ЖАЗОИР. Сахрои Кабир мустақиллиги учун курашаётган Полисарио фронтининг бўлинмалари 24—26 декабрда Тан-Тан билан Рас-эл-Ханера ўртасидаги рус-Лахялят қишлоғида жойлашган Марокаш бўлинмаларига ҳужум қилдилар. Полисарио фронтининг бу ерда ташкилган ағдоротида шу ҳақда гапирилади. Жанг давомида Марокаш ҳарбий хизматчиларнинг талайгина қисми сафдан чиқарилган, кўп миқдорда ҳарбий техника яксон қилинган. (ТАСС).

ПЕКИНДАГИ СУД МАЖЛИСИ

«Линь Бяо ва Цзян Цинннинг контрреволюцион гуруҳи» иши юзасидан ўтказилаётган «алоҳида суд»нинг мажлисида прокуратура вакили Цзян Цинга ХХР жиноят кодексининг 103-моддаси қоидаларига мувофиқ «энг қаттиқ ҳукм» чиқарилишини талаб қилди.

Бу модда «алоҳида жиддий контрреволюцион жиноятлар» учун ўлим жазоси берилишини кўзда тутади. Прокурорнинг Синьҳуа агентлиги тарқатган нутқи баёнида айтилишича, Цзян Цин ХХР жиноят кодексининг етти моддаси юзасидан жиноят қилишда айбланади. Шулар орасида ҳукматни ағдариш мақсадида қилинган фитнада қатнашиш, «контрреволюцион тўда»ни ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш, ижтимоий тартиб, оммавий репрессияларга бош қўшиш сингари жиноятлар бор.

«Женьминь жибао» газетасида эълон қилинган мақолада «тўртлар гуруҳи» ва Линь Бяо устидан ўтказилган суд мажлисининг дастлабки якунлари чиқарилган. Мақолада Мао Цзэдун «маданий революцияга раҳбарлик қилишга шахсан ўзи асос солганлиги» ва «партия билан халққа катта кулфатлар келтирганлиги» тан олинади. Айни вақтда мақола автори Мао Цзэдунни оқлашга уриниб, фақат Мао эмас, Хитойнинг бошқа раҳбарлари ҳам хатолар қилишди ва тенденцияни таҳлил этиш, «сиёсий қарорлар»ни қабул қилган кишиларни (Мао Цзэдун, Цзян Цин, Линь Бяо ва бошқалар мана шу кишилар жумласига киради) «маданий революция» жараёнида бу қарорларни бузган кишилардан ажратиш мураккаб иш эканини таъкидлайди.

«Женьминь жибао» газетасида шу мақолада кейин Кан Шэн билан Се Фучжининг контрреволюцион фаолияти тўғрисида катта материаллар пайдо бўлди. Шу материалларда «маданий революция» даврида бир хил кишилар қарорлар қабул қилиб, хатоларга йўл қўйдилар, бошқалари эса жиноят қилдилар, деган фикр ривожлантирилади.

Мазкур мақолалар ва материалларнинг пайдо бўлишини бу ердагилар аввало суд мажлиси аслида ҳукмрон юқори тўдадаги гуруҳларнинг курашини янада кескинлаштирганлиги билан изоҳламоқдалар. Цзянь Цин билан Чжан Чуньцяо ўзларига қўйилган айбни бутунлай рад этдилар. Хабардор доираларда айтишларича, Цзян Цин суд мажлисларидан бирида: бу — суд мажлиси эмас, балки гоминданчи фашистларнинг суди, деб айтган.

Мамлакатда кейинги ўн йил мобайнида Хитойни қим идора қилди: сиёсий арбобларми ёки жиноий унсурларми? деган савол тобора тез-тез берилмоқда. Чунки судланувчи ўн кишидан тўққизтаси мао цзэдунчи раҳбарлар составига кирар эди —ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари эди. Шу боисдан ҳам Хитой матбуоти масъулиятни бир-биридан фарқ қилиш тўғрисидаги кампанияни авж олдирди. Гўё Мао Цзэдун йўл қўйилган хатолар учун, қолган ҳамма айбдорлар жиноят қилганликлари учун жавобгар эмишлар.

Шу мақолаларда гўё Дэн Сяопин 1976 йил октябрида «тўртлар тўдаси»ни ағдариб ташлашда хизмат кўрсатди, деб тасвирлашга уринаётганликлари, гўё у «тинга қарши тиғ билан» кураш олиб борди, деб даъво қилаётганликлари эътиборни ўзига тортади. 1976 йил 5 апрель куни Тяньаньмэнь майдонида бўлиб ўтган ҳаракат илгари контрреволюцион исён деб таърифланган бўлса, энди Хитой матбуоти бу ҳаракатни «тўртлар тўдаси»га қарши курашнинг бўғинларидан бири қилиб кўрсатмоқда. Шу сабабли Хуа Гофэннинг ҳаракатлари шубҳа остига олинади ва унинг «тўртлар тўдаси»ни четлаштириш вақтидаги воқеаларда ўйнаган роли камситилади. «Маданий революция» энди Хитой матбуотининг саҳифаларида «жиноятлар ва ишдаги хатолар қоришиб кетган» мураккаб, чигал ҳодиса деб баҳоланаётганлиги диққатга сазовордир.

ТАСС мухбири.
ПЕКИН.

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗГА!

Ҳаммамизга олам-олам қувонч, бахт олиб келган 1980 йил ҳам охирламоқда. Мамлакатимиз тараққиётида муҳим босқич ҳисобланмиш ўнинчи беш йилликка якун ясовчи бу йил ҳам Улуғ Октябрь бошлаб берган барча бунёдкор йиллар қатори сермазмун ва маҳсулдор бўлди. Мамлакатимиз коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда олға қараб улкан қадам қўйди. Халқ хўжалигимиз партия XXV съезди белгилаб берган ҳамда ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантириш, унинг самарадорлигини ва иш сифатини ошириш асосида совет халқининг фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган йўлга мувофиқ ривожлантирилди. Миллий бойлигимиз кўпайди. Шу жиҳатдан олганда ўнинчи беш йиллик совет халқининг қаҳрамонона ишлари тарихида муносиб ўрин олади.

Жонажон республикамиз ҳам мамлакат билан ҳамнафас ўсиш, юксалиш йўлидан борди. Экономика ва маданиятнинг барча соҳаларида улкан ўзгаришлар юз берди. Саноат ва қишлоқ хўжалигимиз барқ уриб ривож топди. Ўзбекистоннинг азамат ишчилар синфи 1980 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик план ва топшириқларини барвақт адо этди.

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги нишонланган қутлуғ йил, умуман ўнинчи беш йиллик республикамиз қишлоқ меҳнаткашлари фаолиятида унутилмас йиллар бўлди. Пахтакорлар КПСС XXV съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, ўнинчи беш йиллигимизнинг ҳар бир йилида олдинги беш йиллик йилларига нисбатан 800 минг тоннадан кўп «оқ олтинни» Ватанга армуғон этдилар. Ленин юбилейи йили Ватан пахтачилиги тарихида улкан зафар қозонилган йил бўлди. Республикамиз меҳнат аҳли Ленин ишининг муносиб давомчиси, давримизнинг атоқли партия ва давлат арбоби азиз Леонид Ильич Брежневнинг табрикномасини олди. Ўзбекистон ССР Давлат байроғида Ватаннинг бешинчи олий мукофоти — учинчи Ленин ордени порлади.

Ўн беш қондош, қардош республиканинг аҳли онласида тенглар тенги бўлган Совет Ўзбекистони коммунизмнинг нурафшон йўлидан дадил бормоқда. Бизнинг бу йўлимизни Улуғ Октябрь тонготаридa доҳиймиз В. И. Ленин белгилаб берган эди. Партиямизнинг жанговар штаби — КПСС Марказий Комитети бизни бу йўлдан комил ишонч билан олға олиб бормоқда. Яқинда матбуотда КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси эълон қилинди. Юксалишнинг йўлчи юлдузи бўлган бу тарихий ҳужжат бутун мамлакатимиз, ҳар бир иттифоқдош республика, ҳар бир меҳнат коллективи ва ҳар бир совет кишиси эгаллаши лозим бўлган улкан чўққиларни ёритиб турибди. Шу боксдан ҳам совет кишилари Асосий йўналишларни ўзларининг бахт-иқбол манифестлари деб билиб, уни эўр манфаатдорлик ва ишчанлик билан муҳокама қилмоқдалар.

Шу қутлуғ айём кунлари «Совет Ўзбекистони» газетасининг редакцион коллегияси Сиз, азиз газетхонларни кириб келаётган Янги йил билан муборакбод этиб, таркиб топган анъанага биноан Сизлар билан маслаҳатлашиб олишни лозим деб топди. Ленин анъаналарини муқаддас билган газетамиз ўзининг бутун фаолиятида омманинг маслаҳати ва йўл-йўриқларига, таклиф ва истакларига оғишмай амал қилмоқда, миллионлар минбари бўлишдек юксак бурчини бажаришга интилмоқда. Буни йил бўйи Сизлар йўллаган ва газетамизнинг деярли ҳамма сонларида босилиб чиққан сермазмун хат-хабарларингиздан ҳам кўриш мумкин. Шу кунга қадар редакциямиз газетхонлардан қариб 26 мингта хат-хабар олди. Шундан 17 мингта яқини газета саҳифаларида босилиб чиқди. Хатлардан фойдаланиш проценти ошди. Редакцияга келган ҳар ўн хатдан еттитаси эълон қилинди. Икки мингдан кўпроқ хат текшириш ва чора кўриш учун министрликлар, идоралар ва ташкилотларга юборилиб, уларнинг аксарияти юзасидан таъсирли чора-тадбирлар кўрилгани ҳақида жавоблар олинди.

Газетанинг кенг меҳнаткашлар оммаси билан жонли алоқаси янада мустаҳкамланди. Жойларда ўтказилган газетхонлар конференциялари, учрашувлар, умумшаҳар летучкаларида газетанинг мазмун ва мундарижасини янада бойитишга қаратилган қимматли таклиф ва мулоҳазалар билдирилганлиги бунинг ёрқин далилидир. Ана шу учрашувларда ҳамда Сиз, ҳурматли газетхонлар юбораётган хат-хабарларда айтилган фикр ва мулоҳазалар фаолиятимизни янада яхшилашда муҳим омил бўлди.

Ҳар қандай матбуот органи каби газета ҳам кенг меҳнаткашлар оммасининг актив иштироки билан таъсирчан бўлади. Сизларнинг ўз отахон газетангизга бўлган эътиборингиз, меҳрингиз туфайли «Совет Ўзбекистони» газетасининг тиражи йил сайин ортиб бормоқда. Янги йилдан бошлаб обуначилар сони Андижон областида 92.960 нафарни, Фарғона областида 90.895, Самарқанд областида 80.094, Наманган областида 75.652, Тошкент областида 67.894 Қашқадарё областида 64.988, Сурхондарё областида 54.036, Бухоро областида 52.395, Хоразм областида 48.826, Қорақалпоғистон Автоном республикасида 36.853, Жиззах областида 23.623, Сирдарё областида 21.577, Тошкент шаҳрида 17.142 нафарни ташкил этади. Мамлакатимизнинг турли республикалари ва шаҳарларидан 38.681 нафар киши газетага обуна бўлди. Республика «Союзпечать» киосклари орқали чакана савдо йўли билан ўттиз олти ярим минг нусха газета тарқатилади. Шундай қилиб, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки кунидан бошлаб газетамиз 802 минг нусхадан нашр этилиб газетхонларга тарқатилади.

Газета редколлегияси янги йилга тузган перспектив планида республикамиз меҳнат аҳли турли табақаларининг орзу ва истакларини акс эттиришга интилди. Ҳар йилгидек 1981 йилда ҳам республикамиз экономикаси ва маданиятининг туб масалалари етакчи мавзу бўлиб қоларади. Партия ташкилотларининг халқ хўжалигига раҳбарлиги, партия қаётнинг ленинча нормалари, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик роли ва ўрнига бағишланган материаллар ўзининг конкретлиги, изчиллиги билан ажралиб туради. Коммунистик ахлоқ ва одоб масалалари газетанинг етакчи мавзуларидан бўлиб қолади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид материалларга ҳар йилгидек кенг ўрин берилади. Партия янги беш йилликда халқ фаровонлигини оширишнинг улкан программасини ишлаб чиқди. Газета саҳифаларида ана шу программанинг қандай амалга оширилаётганини ҳикоя қилувчи, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини қаётга татбиқ этишга қаратилган тематик материаллар эълон қиликади.

Ҳаётимиз ажойиб воқеаларга, замондошларимизнинг қаҳрамонона, бунёдкор ишларига тўлиб-тошган. Афсуски, шу билан бирга, тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Ана шу иллатларга қарши аёвсиз ўт очиш лозим. Зотан, ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумида таъкидлаганидек, «бизнинг совет турмуш тарзимизда бюрократизмга, дағаллиққа, кибр-ҳавога ўрин йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас». Бу ишда ишончли таянчимиз бўлмиш ишчи ва қишлоқ мухбирларининг, газетамиз активларининг ёрдамидан умидвормиз.

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР: Сизларнинг мўътабар фикрингиз газетамиз иш фаолияти учун қонундир. Шунга кўра, газетамизнинг 1980 йилги фаолияти, бундан буёнги қиладиган ишларимиз ҳақида ўзларингизнинг қимматли фикр ва мулоҳазаларингизни ёзиб юборишингизни илтимос қиламиз. Сизларнинг йўллаган мактубларингиз янги йил режаларимизни ойдинлаштириб олишда, планларимизга янгилик ва қўшимчалар киритишимизда бебаҳо фойда берган бўлур эди.

Сизларни яна бир бор Янги йил билан саммий қутлаб, ўн биринчи беш йилликнинг бошланиши билан муборакбод этамиз, ишларингизда, ҳаётингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
ГАЗЕТАСИ РЕДКОЛЛЕГИЯСИ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Электроникининг саргузаштлари. Бадиий фильм. 2- ва 3-серийлар. 12.15 — Ҳужжатли фильмлар. 12.55 — Спектакль. 14.45 — Вил ва уддала. 15.30 — Янгиликлар. 15.45 — Музикали эртак. 16.15 — Мўъжиза. Бадиий фильм. 17.25 — Буратино кўргазмаси. 17.55 — Халқ оҳанглари. 18.10 — КПСС XXVI съезди шарафига. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — КПСС XXVI съезднинг муносиб кутиб оламиз. 20.00 — Жаҳон халқлари ижоди. 20.45 — Қисқа метражли фильмлар. 21.30 — Время. 22.05 — Муздаги бал. 23.15 — Цирк майдонида. 00.15 — Совет қўшиқларидан концерт. 00.40 — Ҳужжатли фильм. 00.50 — Янги йил билан, ўртоқлар. 01.05 — Голубой огонёк.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 12.30 — Она. Фильм-эртак. 13.55 — Совет киноси усталари. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Янги йилни кутамиз. 19.05 — Ахборот. 19.20 — Фильм-концерт. 19.30 — Миниатюралар театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Цирк, цирк, цирк. 21.30 — Время. 22.05 — Янги йил оқшомида. 23.45 — Янги йил табриги. 00.05 — Музикали байрам программаси.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Арча ўрмонда қолди. Фильм. 20.35 — Фильм-концерт. 21.35 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — Бахт кулиб боққанда. Киноко-медия.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — 1980 йил қўшиқлари. 9.35 — Қадрдон тароналар. 12.10 — Янги марралар сари. 13.00 — Чорвадорларнинг янги марралари. 14.00 — Деҳқонининг ўйлари. 18.15 — Азиз дўстларга. 19.25 — Янгра, созим. 20.15 — Янги йилга кира туриб. 20.45 — Қувноқ тароналар. 21.00 — Янги йил арафасида репортёр билан. 21.30 — Ер келур. 22.30 — Сиз ёқтирган қўшиқлар. 23.10 — Янги йил табассуми. 23.45 — Янги йил билан, ўртоқлар! 00.02 Янги йил табассумининг давоми. 01.05 — Қўшиқлар, рақслар, ҳазиллар.

Н. К. КРУПСКАЯ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ИККИНЧИ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

НАМУНАЛИ БИЛИМ ЎЧОҒИ

Октябрь инқилоби шарофати билан Советлар диёрида мактаб-маориф иши мисли кўрилмаган кўламда кенг қулоч ёзди. Малакали мутахассис кадрлар етиштириш учун ташкил этилган кўплаб билим ўчоқларидан бири Тошкентдаги Н. К. Крупская номли иккинчи (илгариги республика мактабгача тарбия) педагогика билим юртидир. 1930 йили Зебунисо номли мактаб базасида ташкил топган бу билим маскани ўтган ярим аср мобайнида беқиёс ўсди. Агар дастлабки кезда унда 120 ўқувчи таълим олган бўлса, ҳозир бу ерда мактабгача тарбия асосларини ўрганаётган қизлар сони 2,5 минг кишига етди. Ўтган ўқув йилида кундузги бўлимни салкам 500, сиртқи бўлимни эса 300 талаба битирди.

Эллик йил мобайнида билим юртида катта ва аҳил педагогик коллектив ташкил топди. Бу ерда ҳозир 180 га яқин ўқитувчи, методист ва тарбиячи ёшларга таълим бермоқда.

Таълим кабинет системасига тўлиқ кўчирилган. Дарсда кўргазмали қурол, техника воситалари ва дидактик материаллардан унумли фойдаланилмоқда, проблемали таълим методи кенг қўлланилмоқда. Машғулотларда доҳий В. И. Ленин асарлари, КПССнинг муҳим ҳужжатлари, давримизнинг атоқли арбоби, содиқ ленинчи, ёш авлод ҳақида мислсиз ғамхўрлик қилаётган меҳрибон Л. И. Брежневнинг «Бичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» асарларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Билим юртининг тарихи, унинг фаолияти ҳақида гап борганда ўзининг фидокорона меҳнати билан алоҳида иззат-ҳурматга сазовор бўлган кекса педагогларни эсламай ўтиш мумкин эмас. Ана шундай ташкилотчи маорифчилардан бири республикала хизмат кўрсатган ўқитувчи Тожихон опа Алимовадир. Ўзбек хотин-қизларидан маърифатли, билимдон, малакали кадрлар етишиб чиқишида бу ажойиб аёлнинг хизматлари катта. Шу педагогика билим юртида 30 йилдан ортиқ директорлик вазифасида ишлаб, катта обрў-эътиборга, қатор орден ҳамда медалларга сазовор бўлди. Билим юртининг бир қанча ветеран педагоглари «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи», 30 дан ортиқ мураббий эса «Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси» фахрий унвонларига эга.

Бу ерда бўлажак мутахассисларнинг педагогик практикасига жиддий эътибор берилмоқда. Сиёсий-тарбиявий, ва оммавий-маданий ишлар йил сайин яхшиланиб бормоқда. Синфдан ташқари таълим-тарбиянинг муҳим турларидан бўлган тўгарак ишлари мазмунли уюштирилган, физкультура ва спорт ишларига таълимнинг муҳим таркибий қисми сифатида қаралмоқда.

Педагогик коллектив айни шу кунларда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун қизғин меҳнат қилаётир, талабалар пухта, чуқур билим олиб, давримизнинг муносиб кишилари бўлиб етишиши йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда.

А. ПЎЛАТОВ,
педагогика фанлари кандидати.



БУЮК АЛЛОМА ХОТИРАСИГА

ТОШКЕНТ. 30 декабрь («Совет Ўзбекистони» махсус мухбири). Бугун, янги йил арафасида Тошкентдаги 1-шаҳар касалхонасида буюк энциклопедик олим Абу Али ибн Сино ҳайкали тантанали равишда очилди. Бу ёдгорликни тошкентлик ҳайкалтарош И. Клиницкий ва архитектор Ю. Макаренко яратдилар.

Бу йил бутун тараққийпарвар инсоният ЮНЕСКОнинг қарорига мувофиқ буюк мутафаккир, қомусий олим Абу Али ибн Сино туғилган кунинг минг йиллигини кенг нишонлади. Афшона, Бухоро, Андижон ва Тошкент шаҳарларида олим хотирасига ўрнатилган ёдгорликлар қад кўтарди. Бу ёдгорликлар халқимизнинг буюк олимга бўлган чексиз ҳурмати ифодасидир.

Революциядан аввал ўлкамизда бирорта ҳам даволаш муассасаси йўқ эди. Улуғ Октябрь туфайли Ўзбекистонда кўплаб касалхоналар, поликлиникалар, амбулаториялар вужудга келди. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида кўплаб медицина институтлари, техникумлари бунёд этилди. Улар халқ саломатлиги йўлида самарали ишлаб турибди.

Тошкентдаги Ишчилар, Студентлар, Медиклар шаҳарчалари ёнида яна бир йирик маскан — Саломатлик шаҳарчаси қад кўтарди. Бу марказ-27 кварталидаги 1-шаҳар клиник касалхонасининг бутун бир саломатлик комплексидир. Бу касалхона дастлаб 375 ўринли эди. Тўққизинчи беш йилликда бу ерда бор-йўғи учта корпус бор эди. Ўнинчи беш йиллик мобайнида касалхона кенгайтирилиб, йирик комплексга айлантирилди. Ҳозирги пайтда бу ерда тўққизта корпус мавжуд. Ўринлар сони 1170 га етди. Урология, реанимация, токсикология, туғруқхона, рентген-радиология, эндокринология ва бошқа бўлимлар меҳнаткашлар саломатлигини сақлашда муҳим роль ўйнаяпти. Бу ерда шифо тадбирлари қатори катта методологик ишлар олиб борилмоқдаки, бу жиҳатдан касалхонанинг Ўрта Осиё методологик маркази даражасига кўтарилганлиги бежиз эмас. Шифохонада 13 та кафедра, 30 дан ортиқ малакали профессор ва доцент, қариб 800 врач ва ўрта медицина ходимлари жуда катта даволаш профилактика ишларини амалга оширмоқдалар.

Шифохонада операция жараёнлари ҳам янгича усулда ўтказилмоқда. Бу ерга ўрнатилган замонавий асбоб-ускуналар, видеомагнитофонлар шифокорларга кўпгина қулайликларни яратиб беряпти. Лабораторияларда ўрнатилган асбоб-ускуналар беморларнинг қандай касал билан оғриганлигига аниқ диагноз қўйяпти. Операция жараёнларини беморларнинг қариндош-уруғлари, тажриба ўрганиш учун келган ёш шифокорлар бемалол кузатишлари мумкин.

Шифохона ўзининг қон қуйиш станциясига ҳам эга. Бу ерда зарур қон ва зардоб тайёрланади. Кислород билан таъминлаш ҳам марказлаштирилган.

— Касалхонамиз ўнинчи беш йиллик мобайнида бутун бир комплексга айланди, — дейди касалхона бош врачи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач Қулаҳмад Ризаев. — Саломатлик шаҳарчаси энг сўнгги медицина техникаси ва электрон аппаратлар билан жиҳозланган. Рентген тадқиқотларини магнит лентасига ёзиб олиш йўлга қўйилган. Туғруқхона бўлимидаги янгилик ҳам техниканинг шарофатидан. Партия ва ҳукуматимизнинг халқ саломатлиги тўғрисидаги чексиз ғамхўрлиги туфайли медицинамиз бойиб, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқлари ва илғор тажрибалар билан қуролланиб бормоқда.

Касалхонада ажойиб профессорлар, доцентлар ва врачлар халқ саломатлигини сақлаш борасида ҳормай-толмай меҳнат қилишмоқда. Профессорлар Жавдат Каримов, Одил Мухторов, Манзура Ҳамидова, Эркин Қаюмов, А. С. Зар-Зар, А. Убайдуллаев, А. Мансуров, М. Маҳкамова каби кўли енгил шифокорларнинг, ҳамиша фидокор ҳамшира, санитар ва энагаларнинг хизматлари таҳсинга сазовор. Уларнинг ҳар бири эл меҳрини, бемор ишончини қозонган.

Шарқнинг буюк алломаси Абу Али ибн Сино орзу қилган кунлар совет замонидагина юзага келди. Гиппократ қасамига содиқ қолган шифокорлар халқ саломатлигини сақлаш борасида ҳормай-толмай меҳнат қилишяпти. Касалхонада бўлиб ўтган митингда буюк аллома хотирасига бағишлаб ёдгорлик ўрнатилди ва шифохонага Абу Али ибн Сино номи берилди.

Ш. МИРҲАБИБОВ.

Суратда: буюк аллома хотирасига ўрнатилган ёдгорлик.

А. Тўраев фотоси.

ФАКТ ВА ШАРҲ

ТУННЕЛЛАР ТУТАШГАНДА

ТАСС хабар қилади: Тошкент метросозлари Янги йил арафасида зафар қучдилар. «Ойбек» ва «Космонавтлар проспекти» станциялари оралиғидаги туннель муддатидан бир ой олдин қазиб бўлинди. Лойиҳага кўра трасса участкаси очиқ усулда қазилиши, бунинг учун кўчани ёпиш, транспорт оқимини тўхатиш зарур эди. Метросозлар трассани ер тагида лаҳм очиш йўли билан ўтказишга қарор қилдилар. Н. Нестеркин бошлиқ бригада аъзолари лаҳм қазишни уч сменада олиб борди, бу билан иш муддатини қисқартириш мажбуриятини олдилар. Партия группаси барча жараёнларнинг тезкорлик билан бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатди. Коммунистларнинг шахсий ибрати туфайли юзага келган жўшқинлик метросозларга кўзланган маррани эгаллаш имконини берди.

Буюк доҳиймиз В. И. Ленин номи билан аталувчи Тошкент метрополитени — тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликлар фарзанди, совет халқлари бузилмас дўстлиги самарасидир. Ўзида жаҳон ва Ватан метросозлигининг энг яхши ютуқларини мужассамлаштирган, ўзбек миллий ва замонавий архитектура хусусиятларини уйғунлаштирган Тошкент метроси биринчи навбатининг биринчи участкаси 1977 йил 7 ноябрда фойдаланишга топширилди. Иккинчи участкаси эса бу йил — белгиланганидан анча барвақт ишга туширилди. «Ташметрострой» трести коллективи уни бунёд этиш жараёнида ўсди, камолотга эришди, бой тажриба тўплади. Бу ерда баркарор коллектив ўзагини яратишга муваффақ бўлинди. Трест ишчилари, инженер-техник ходимлари социалистик мусобақада ҳамиша пешқадамлар сафида бориб, ўнинчи беш йиллик планини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача, 1980 йил топширигини эса 7 ноябргача адо этганлиги ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

— Трестимиз партия ташкилоти, — дейди трест бошқарувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати П. Семёнов, — коммунистларнинг етакчилик ролини оширишга, машина ва механизмлардан янада самарали фойдаланишга, асосий ишларни механизациялаштиришга меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, коммунистларнинг куч-ғайратини сафарбар этишга эришди. Ютуқларимиз калити — шуларда.

Ҳозир трест бунёдкорлари республика пойтахтида метрополитен иккинчи навбати биринчи участкасини қуриш ишларини тобора тезлаштирмоқдалар. Янги трасса станцияларида ҳар куни 4 метрдан ортиқ туннель очиляпти. Тошкент метросозлари биринчи участкани ўн биринчи беш йиллик охирларига бориб шаҳарликлар ва шаҳримиз меҳмонларига тортиқ этишга азму қарор қилганлар.

— Метронинг 7 станциядан иборат иккинчи навбатининг биринчи участкаси «Пахтакор» станцияси ёнида қуриладиган «Алишер Навоий» станциясини Авиасозлар шаҳарчасида бунёд этиладиган «Чкалов» станцияси билан туташтиради, — ҳикоя қилади «Ташметропроект» лойиҳалаш институти директори М. Холмуродов. — Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасида планлаштириш, архитектура ва қурилиш ишлари сифатини янада оширишга алоҳида аҳамият берилган. Бу борада Тошкент метросининг иккинчи навбати станцияларини лойиҳалаётган институтимиз меъморлари ва инженер-техник ходимлари олдида ҳам катта вазифалар турибди.

Тошкентнинг метро станциялари янада кўркам, янада чиройли бўлиши учун ижодий мусобақалар ўтказилмоқда. Унда кўплаб меъморлар, лойиҳалаш коллективлари фаол иштирок этяпти. Станцияларнинг энг чиройли қиёфаси учун конкурс ҳам эълон қилинди. Унинг натижаларига кўра еттита станциянинг бештасини институтимиз меъморлари лойиҳалайди. «Космонавтлар проспекти» ва «Чкалов» станциялари эса Ўзбекистон шаҳар қурилишларини лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкентдаги уй-жой ва жамоат биноларини экспериментал лойиҳалаш зонал илмий-тадқиқот институти архитекторлари лойиҳаси асосида барпо этилади.

М. Холмуродовнинг сўзларига қўшимча қилиб шуни айтмоқчимиз. Меъморлар ва инженерлар ўз лойиҳаларида ер ости бекатларининг бетакрор қиёфада бўлишига, шунингдек, уларнинг йўловчилар учун ҳар жиҳатдан қулай қилиб қурилишига катта аҳамият беряптилар. Бу соҳада уларга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Сейсмология, Механика ва зилзилага бардошли иншоотлар институтлари, Тошкент политехника институтининг бинокорлик конструкциялари кафедраси ҳамда Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг қурилиш материаллари кафедраси олимлари катта ёрдам беришяпти.

Э. САЪДУЛЛАЕВ.

ЯНА ЕР ҚИМИРЛАДИ

1980 йил 30 декабрь Москва вақти билан соат 4 дан 29 минут ўтганда Тошкентда 5 балл куч билан ер қимирлади. Зилзила эпицентри Тошкент марказидан 14 километр ғарбда бўлиб, у ерда силкиниш кучи 7 баллга етган. Зилзила манбаининг чуқурлиги 15 километрга боради.

Ана шу ер силкиниши натижасида Тошкент областининг бевосита эпицентр яқинида жойлашган районларидаги баъзи бир уйлар, социал маданий ва маиший муассасалар шикастланди. Одамлар нобуд бўлмади.

(ЎзТАГ).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

КУЙ-ҚЎШИҚ ШАЙДОЛАРИГА!

ОҲАНГЛАР СЕҲРИГА МАФТУН БЎЛГАН КУЙ-ҚЎШИҚ ШИНАВАНДАЛАРИНИ

ТОШКЕНТ ОВОЗ ЁЗИШ СТУДИЯСИ

ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Сиз юборган мактублар (уй адреси, почта индекси, фамилия, исм, отасининг исми, шунингдек, музика асарининг номи, магнитофон лентасининг тиши, метражи ва тезлиги аниқ кўрсатилган бўлиши шарт) **бўйича овоз ёзиш студиясида сизга исталган тип ва метраждаги магнитофон лентасига ёки студияда доимо мавжуд бўлган компакт-кассеталарга моно ва стереофоник ёзувларни ёзиб беришади.**

Сизга Самарқанд, Бухоро, Тошкент манзаралари акс этган ёки буюртмачининг фототасвири туширилган бадиий жиҳозланган монофоник пластинкаларни тайёрлаб беришлари мумкин. Буюртмачининг фототасвири туширилган пластинка тайёрлаш учун аниқ, букилмаган, ғижимланмаган, камида 6х9 см. катталикдаги фотосурат юборилиши керак.

Буюртмалар почтада пул тўлаб олиш йўли билан бажарилади ва Совет Иттифоқининг исталган аҳоли яшайдиган пунктига юборилади.

Ёзувнинг сифатли бўлиши учун буюртмалар фақат студиянинг магнитофон лентасига ёки компакт-кассетасига ёзилади.

Буюртмалар «талаб қилиб олингунича» адресига юборилмайди.

Прейскурант бўйича хизмат баҳоси:

1 дона пластинка тайёрлаб бериш — 90 тийин.

1 дона буюртмачининг фототасвири туширилган пластинка тайёрлаб бериш — 1 сўм 55 тийин.

магнитофон лентаси ва компакт-кассетани ҳисобга олмаган ҳолда магнитофон ёзуви:

монофоник ёзувнинг 1 минути — 09 тийин;
стереофоник ёзувнинг 1 минути — 13 тийин.

Хатларингизни кутамиз!

Бизнинг адрес: 700015, Тошкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 29-уй.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

228-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1980—81 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА **ҚЎШИМЧА**

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

бўёқчи (қурувчи), **тўқимачилик ускуналари ремонти бўйича слесарь, дурадгор** (қурувчи) **паркетчи, слесарь-сантехник, саноат ускуналарига хизмат кўрсатиш бўйича электромонтёр, контроль-ўлчов асбоблари слесари, токарь, мастер ёрдамчиси.**

Ўқиш муддати — бир йил.

8-10—синф ҳажмида маълумоти бўлган 15-17 ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Қабул қилинганлар кийим-кечак билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида топган иш ҳақларининг 50 процентини ва 70 сўм стипендия оладилар.

Ўқишни тамомлаганлар олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқишга карувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида шаҳодатнома, турар жойидан, медицина, ота-онасининг иш жойидан справкалар; ариза, автобиография, тўртта фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Аризалар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Машғулотлар — группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Адрес: Тошкент шаҳри-19, Собир Раҳимов райони, С. Раҳимов кўчаси, 313-уй (2, 7-троллейбуснинг «Красноармейская кўчаси» бекати).

СССР РАССОМЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАР СОЮЗИ

СИЗНИ ЕШ РАССОМЛАРНИНГ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН

БУТУНИТТИФОҚ КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Кўргазма Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазмалар залида (Ленин проспекти, 40-уй) очилган.

Кўргазма 1981 йилнинг 15 январигача соат 10.00 дан 18.30 гача ишлайди. Дам олиш куни — душанба.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/Ида **Келинлар кўзголони,** (13.00), **Кўрмайин босдим тиконни** (19.30). 2/Ида **Абу Али ибн Сино** (12.00), **Олтин девор** (19.30). 3/Ида **Нодирабегим** (12.00), **Ғанг дарёсининг қизи** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/Ида **Дилафрузга тўрт ошиқ.** 2/Ида **Тошкентнинг нозанин малиқаси,** 3/Ида **Олифта,**

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станция.

Р. 02473. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 298. 10